

26 Fidoying
bo'lgaymiz seni
O'zbekiston!



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 30-avgust, chorshanba № 69 (9030)

ОЛАМ УЗРА ЯНГРАЙВЕР, «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ҮН БИРИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам меҳмонлар!

Хурматли фестиваль қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сиз, азизларни қадимий ва гўзал Ўзбекистон заминида, азим Самарқанд шаҳрида самимий қутлашга рухсат бергайсиз.

Барчангизни «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугунги маросимда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг уринбосари, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби Талеб Рифаи, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламентлар ассамблеяси раиси Кристин Мутонен, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият

масалалари бўйича тузилмаси — АЙСЕКО Бош директори Абдулазиз Усмон ал-Тувайжри жаноблари каби юқори мартабали меҳмонларимиз иштирок этаётгани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Шунингдек, Ислоҳ тарихи, санъати ва маданиятини ўрганиш бўйича халқаро марказ — ИРСИКА бош директори Халит Эрен, Халқаро фольклор санъати ташкилотининг Осиё минтақаси бўйича Бош котиби Мун Хюн Сук, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси Сергей Николаевич Лебедев, Россия Федерацияси Президентининг халқаро маданий ҳамкорлик бўйича махсус вакили Михаил Ефимович Швидкой, АҚШ ва Канада Бухоро ақудийлари конгресси президенти Борис Қандов ва бошқа кадрли меҳмонларимизни, халқимизга хурмат кўрсатиб, мана шундай ан-

жуманларимизда ҳар сафар иштирок этиб келаётган дипломатик корпус вакиллари самимий қутлашдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, барча фестиваль иштирокчиларига «Хуш келибсиз, Самарқанд шаҳрига, хуш келибсиз, она Ўзбекистонимизга!» деб юксак хурмат ва эҳтиромимизни билдиришга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар!

Дунёда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги ўта мураккаб замонда миллати, тили ва дини турлича бўлган миллионлаб одамларни ҳеч қандай таржимонсиз дўст қиладиган, улар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайдиган мусиқа санъатининг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Сизни ва Ўзбекистон халқини 1 сентябрь куни нишонланадиган мамлакатингиз мустақиллигининг 26 йиллиги билан Америка халқи номидан муборакбод этаман.

Ўзбекистон миллий байрами ҳамда Сизнинг давлат раҳбари лавозимдаги фаолиятингизнинг биринчи йили яқунланаётгани муносабати билан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикликни янада мустаҳкамлаш йўлида қатъий эканимизни тасдиқламоқчиман.

Биз Сизнинг раҳнамолигингизда амалга оширилаётган минтақада барқарорликни таъминлаш, демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли иқтисодий имкониятларни кенгайтиришга қаратилган изчил сайёҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига ушбу қутлуғ санани шоду хурамлик билан нишонлашни тилайман.

Хурмат билан,

Дональд ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти



Самарқанд шаҳрида 28 август куни «Шарқ тароналари» XI халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу кунларда турли халқлар вакиллари ва маданиятлар учрашган манзил — Самарқандда қўшалок байрам шуқуҳи кезмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами ва «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига қўрилган пухта тайёргарлик шаҳарга ўзгача файз ва чирой бахш этган. Сўлим боғ ва хиёбонлар, нурафшон кўчалар таровати, турфа гуллар ифори ҳар қандай кишига янада кўтаринкилик бағишлайди. Жаҳоннинг турли минтақаларидан келган турфа одамлар чехрасидаги мамнулик, ўзаро самимий муносабат Самарқандда қатта байрам бошланаётганидан дарак беради.

...Бибиҳоним масжидида бир гуруҳ хорижлик меҳмонлар юрибди. Ранг-рўйи, тили, кийиниши ҳар хил. Лекин юз-кўзларидан бир хил ифода: хотиржамлик, мамнулик ва самимият. Улар «Шарқ тароналари»да иштирок этиш учун Ҳиндистон, Австралия, Германия ва Эквадордан келишган. Австралиянинг «Zulya and the children of the underground» жамоаси созандаси Колин Филлип Жоннинг айтишича, у бу ерга ҳали шаҳар тонг либосини киймасдан олдин келибди. Сабаби билан қизиқдик.

— Маҳаллий аҳоли қуёш нурлари дастлаб ушбу мадраса гум-

базига тушади, Самарқандда тонг Бибиҳоним масжидидан бошланади, дейишди. Буни ўз кўзим билан кўрмоқ учун келдим. Жуда ажойиб манзара. Бунақасини бошқа жойда учратмайсиз. Неча асрлар аввал буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳам тонгни ҳозир биз турган жойда, ўз ёрига атаб қурдирган мана шу маҳобатли иморат пештоқиға термулиб кузатган бўлса не ажаб! Ҳайратим чексиз. Бу афсонавий шаҳар ҳақида баъзи нарсаларни эшитгандим. Лекин бу ерда билганларим, кўрганларим бир олам.

(Давоми 3-бетда.)

БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗ МЕРОСИ — БЕБАҲО ХАЗИНА



SA.MARKAND - 2017

Самарқандда «Жаҳон тамаддуни тарихида Марказий Осиё Ренессанси» мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Унда БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти — ЮНВТО, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти — ИХТ, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси — АЙСЕКО, Ислоҳ тарихи, санъати ва маданиятини ўрганиш илмий-тадқиқот маркази — ИРСИКА каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, масъул ходимлари, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Испания, Италия, Франция, Саудия Арабистони, Туркия, Хитой, Эрон, Озарбайжон, Россия, Япония ва бошқа давлатлардан олимлар, жаҳоннинг йирик илм-фан ва таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 4-бетда.)

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" ҲАМ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу маънода, "Шарқ тароналари" халқаро муסיқа фестивалининг бу йилги анжумани алоҳида мазмун ва аҳамиятга эга бўлиб, у фестивал ташкил этилганига йигирма йил тўлган тарихий бир санада ўтказилмоқда.

Бугунги қувончли айёмда мана шу халқаро анжуманга асос солган, унинг жаҳон миқёсида муносиб обрў-эътибор қозониши учун улкан ҳисса қўшган инсонларни, уларнинг унутилмас хизматларини чуқур миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, атоқли сиёсат ва давлат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти муҳтарам Ислам Абдуганиевич Каримовнинг азиз хотирасини ҳурмат-эҳтиром билан ёдга оламиз. Ислам Абдуганиевич ўзи тугилиб ўсган Самарқанд шаҳрини, унинг юраги бўлган қадимий Регистон майдонини қанчалик буюк муҳаббат билан севса, "Шарқ тароналари" фестивалини ҳам шунчалик севар, қадрлар эдилар.

"Шарқ тароналари" муסיқа фестивали ўзининг бетакор руҳи ва қиёфаси, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, муסיқа санъати анъаналарини асраш, маданий мулоқотни ривожлантириш борасидаги эзгу мақсад-муд-

даолари билан қисқа муддатда юксак даражага эришди.

Бу борада сиз, азизлар каби фидойи ташкилотчи ва иштирокчиларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

"Шарқ тароналари" фестивали 1997 йилдан буён қандай катта йўлни босиб ўтгани, унинг ўзига хос шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳақида кўп гапириш мумкин.

Аммо мен бу борада фақатгина битта рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Агар 1997 йилда, дастлабки муסיқа байрамида дунёнинг 31 та давлатидан 57 нафар санъаткор қатнашган бўлса, бу йил 58 та мамлакатдан 241 нафар моҳир хонанда ва созанда иштирок этмоқда.

"Шарқ тароналари" фестивали бугунги кунда ЮНЕСКО томонидан муסיқа оламининг йирик халқаро форуми сифатида эътироф этилгани ва бу ибора дунё бўйлаб баралла янграётгани, ҳеч шубҳасиз, унинг нуфузи ва аҳамияти тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Мана шу гўзал ва бетакор Регистон майдонидан туриб, ўзининг 2750 йиллик тарихи давомида не-

не воқеаларга гувоҳ бўлган Самарқанд шаҳри шу кунларда янада очилиб, жаҳон муסיқа санъатининг марказига, чиндан ҳам "ер юзининг сайқали"га айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бундан олти юз йил муқаддам — буюк Амир Темури замонларида ҳам етти иқлимдан энг моҳир созанда ва хонандалар йиғилиб, Самарқанд заминидан гўзал анжуманлар ўтказганлари тарихий манбалардан яхши маълум.

Мана, орадан шунча йиллар, асрлар ўтиб, ер юзининг манаман деган муסיқа усталари яна азим Самарқандга тўпланиб, жаҳон аҳлини беқиёс санъат байрамига чорламоқдалар.

Биз сиз, азиз меҳмонларимизни дунёдаги турли халқларнинг маънавий оламини муסיқа орқали ифода этадиган, уларнинг саломини ва эзгу тилақларини етказадиган тинчлик ва дўстлик элчилари сифатида қабул қиламиз. Сизлар каби минг-минглаб санъат намоёндаларининг жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, юксак инсоний идеалларни асраш ва мустаҳкамлаш йўлидаги олижаноб саъй-ҳаракатларингизни барчамиз юксак баҳолаймиз.

Фестиваль доирасида сиз, азизлар ўз Ватанингизнинг муסיқа ме-

росини намоён қилиш билан бирга, бизнинг шаҳар ва қишлоқларимизда бўлиб, юртдошларимиз билан самимий суҳбатлар қилиб, ўзбек халқининг ҳаёти, унинг орзу-интилишлари, меҳмондўстлик фазилатлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўласиз.

Буларнинг барчаси бизнинг мамлакатимиз ва халқимиз ҳақидаги тасавурларингизни кенгайтиради, сизлар учун ижод ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади, деб ишонманам.

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Барчангизни бугунги санъат ва нафосат байрами билан яна бир бор табриклар, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

Азиз дўстлар, бугун барчамиз эзгу ниятлар ижобат бўладиган кўтлуг ва саховатли Самарқанд заминидан туриб, бир мақсадни истаймиз:

Дунёнинг барча ўлкаларида ҳаётбахш муסיқа садолари доимо янграб турсин!

Жаҳондаги барча инсонлар ҳамиша аҳил ва иноқ бўлиб яшасин!

Ер юзюда тинчлик ва ҳамжихатлик барқарор бўлсин!

Эътиборингиз учун ташаккур.

ФЕСТИВАЛЬ ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИ БИРЛАШТИРМОҚДА

Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган "Шарқ тароналари" XI халқаро муסיқа фестивали ҳал қилувчи паллага кирди. Иштирокчилар фестиваль учун тайёрлаб келган муסיқий дастурларини намоиш этмоқда.

Ставерис Ленцерис АНАСТАСИОС, "Entopia" жамоаси аъзоси (Греция):

"Шарқ тароналари" халқаро муסיқа фестивалида иштирок этиб, ўзим учун бутун умрга татиғулик таассурот олмақдаман. Мазкур фестиваль турли мамлакатлар ва халқларнинг муסיқа санъатидан баҳраманд бўлиш имконияти мавжудлиги билан дунёдаги энг нуфузли танловлардан бири эканига гувоҳ бўлдим. Анжуманнинг барча тадбирлари юксак даражада ташкил этилган, иштирокчилар, меҳмонлар учун зарур шароит яратилган. Кўҳна ва навқирон Самарқанд таърифу тавсиф қилганларича бор экан: ҳаммаёқ озода, байрам сурури, фестиваль шуқуҳи ҳар бир қадамда намоён.

Катта тантана билан нишонланган фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев дунёда қарамақаршилиқлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб замонда миллионлаб одамларни ҳеч қандай таржимасиз дўст қиладиган, улар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжихатликни янада мустаҳкамлайдиган муסיқа санъатининг ўрни ва таъ-

сири тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Бу бежиз эмас. Фестивалда кўплаб мамлакат муסיқачилари билан дўстлашдик. Муסיқа санъатини ривожлантириш бўйича ўзаро фикр алмашдик. Нуфузли халқаро муסיқа анжуманлари шундай муносабатнинг мустаҳкамланишида қўл келади. Улар орасида "Шарқ тароналари" алоҳида ўрин тутди. Дунё таниган қўшиқчиларнинг иштироки этиши фестивалнинг нуфузи қанчалар юксак эканидан далолатдир.

Паромита МУКЕРЖИ, "Ruchira Panda" жамоаси аъзоси (Ҳиндистон):

— Ижодий гуруҳимиз билан нуфузли фестивалларда кўп бор иштирок этганмиз. Бироқ Ўзбекистонда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган «Шарқ тароналари» фестивалида қатнашиш насиб этмаганди. Шу боис биров ҳаяжонланаяпмиз. Мамлакатингиз, хусусан, Самарқанд инсон умри давомида ҳеч бўлмаганда бир бориб кўриш шарт бўлган дунёнинг энг қимматли шаҳарларидан дейилиши бежиз эмас экан. Фестиваль бизга ана шу беқиёс имкониятни тухфа этганидан беҳад хурсандимиз.



Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Президент Шавкат Мирзиёевнинг маърузасини эътибор билан тингладик. Давлатингиз раҳбари "Шарқ тароналари" муסיқа фестивали ўзининг бетакор руҳи ва қиёфаси билан қисқа муддатда юксак даражага эришганини таъкидлади. Чиндан ҳам, бугун "Шарқ тароналари" фақат муסיқа байрамигина эмас, балки бутун халқларнинг дўстлик байрамига айланган.

Жеймс Шон ЛОЙД, "Aven Celtica" жамоаси аъзоси (Буюк Британия): — Менда "Шарқ тароналари"нинг тантанали очилиш маросими катта таассурот қолдирди. Ҳақиқий

шарқона, агар айтиш мумкин бўлса, театрлаштирилган спектакль томоша қилгандек бўлдим. Мухими, санъатнинг барча йўналиши акс эттирилган, дунё халқлари муסיқасига кенг ўрин берилган. Бу билан фестиваль фалсафаси, тинчлик ва дўстлик ғояси очиб берилди.

Гўзал ва бетакор мамлакатингизни, меҳмондўст халқингизни ва, албатта, турли халқларнинг дўстлик байрамига айланган "Шарқ тароналари"ни узоқ вақт ўзгача энтиқиш билан эслаб юрамиз.

Ана ФЕРНАНДЕЗ, "La Banda Morisca" жамоасининг солисти (Испания): — "Шарқ тароналари" халқаро муסיқа фестивали

Самарқанд шаҳрида ўтказилаётгани санъаткорларга ўзгача илҳом бағишламоқда. Қўшимча изланиш, ишлашга ундамоқда.

Муסיқа анжуманида иштирок этиш, қуйлаш билан бир қаторда турли мамлакатлардан келган кўплаб ижодий жамоаларнинг ижоди билан яқиндан танишиш, ўзаро фикр алмашиш, репертуаримизни уларнинг асарлари билан бойитиш имконига эга бўлаяпмиз. Машҳур созандалар, бастакор фольклор санъати усталирининг қатнашаётгани фестивалга қизиқиш дунё миқёсида тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

ЎЗА МУХБИРИ Бекзод ҲИДОЯТОВ ёзиб олди.

2017-yil 30-avgust, № 69 (9030)

ОЛАМ УЗРА ЯНГРАЙВЕР, «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Эшитгандан кўра кўрган афзал, деганлари ростлигига яна бир бор амин бўлдим. Мамлакатингиз менда катта таассурот қолдирди. "Шарқ тароналари" бутун дунё санъаткорларининг ўзига хос байрами. Унда иштирок этаётганимдан фахрланаман.

Санъат — одамларнинг орзу-хаваси, қувончу шодлиги, армон ва изтироблари, ички кечинмаларини ифода этадиган восита. Мусаввир, носир ушор тасвирлаб беролмаган ҳис-туйғулар мусиқада бор бўй-баста билан намоён бўлади. Уни тушуниш, таъсирини ҳис қилиш учун таржимон шарт эмас. Мусиқа халқларни, турли миллат ва элатларни бир-бирига танитади, қалбни яқинлаштиради.

Бугун Самарқандга келган киши ана шундай байрамона, дўстона муҳитнинг гувоҳи бўлмоқда. Бу ерда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 20 йил аввал асос солинган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўн биринчи бор ўтказилмоқда.

Ҳар икки йилда ташкил этилаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали жаҳон аҳлининг ўзаро маданий мулоқотга бўлган эҳтиёжини рўйга чиқаришда беқиёс восита бўлиб хизмат қилаётир.

28 август, соат 19.10. Самарқанд, Регистон майдони.

Шердор, Тиллакори, Мирзо Улугбек мадрасалари гулгун шафқат ёдусида янада гўзал ва салобатли кўринади. Бетақдор амфитеатр ҳосил қилган бу муҳташам обидалар анжуманга ўзгача рух, улғуворлик бағишлаган. Майдон "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимига йиғилган томошабинлар билан гавжум. Улар орасида анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат ихлосмандлари, мусиқашунос олимлар, чет эллик ва маҳаллий журналистлар, сайёҳлар бор.

Фестиваль иштирокчилари ва томошабинлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан кутиб олади.

Карнай-сурнай, ногора садолари янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилади.

Давлатимиз раҳбари "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини қутлар экан, мазкур анжуманнинг чуқур инсонпарварлик руҳи ва философияси, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий мулоқотни ривожлантириш, мумтоз мусиқа аъёнларини асраб-авайлашдаги аҳамияти ҳақида тўхталди, фестивал ишига муваффақият тилади.

Халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағиш-

ланган театрлаштирилган концерт дастури бошланади. Майдон узра сеҳрли куй таралади. Оҳанг секин-аста бутун вужудингизга кириб боради. Бу оройишнинг қиёси йўқ. Мусиқа измида-сиз. Сеҳрли оҳанг таъсирида илиқ хотиралар ёдга тушади, баъзан умрингиз бино бўлиб бормаган масканларни тасаввурингизда гавдалантиради. Бу куй сеҳри, оҳанг завқи, мусиқа қудратидир.

Дунё халқларини бирлаштирадиган бундай фестивал нима учун айнан Самарқандда ўтказилади? Бу саволга тарихнинг ўзи инкор этиб бўлмайдиган мисоллар билан жавоб берган.

Манбаларда қайд этилишича, Фарб ва Шарқ ўртасидаги савдо-сотик, маданий алоқалар айнан Самарқанд орқали амалга оширилган. Бу шаҳар ана шу икки қитъани боғлаган Буюк ипак йўлининг маркази ҳисобланган. Шаҳар савдогарлари Хитой, Эрон, Миср, Ҳиндистон, Византия билан савдо-сотик қилган. Айнан шу ерда Мағриб ва Машриқ маданиятлари ўзаро туташган, бир-бирини бойитган. Шу боис Фарба — Рим, Шарқда — Самарқанд деган ибора пайдо бўлган. Бу икки шаҳар инсоният тақдирини буюк ўзгаришлар қилгани учун "Боқий шаҳар" номини олган.

Буюк аждодимиз Амир Темурнинг Мовароуннахрга ҳукмдор бўлиши Самарқанд тарихида янги саҳифа очган. Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Самарқанд салтанат пойтахти сифатида Шарқнинг энг гўзал шаҳри бўлиш билан бирга, йирик иқтисодий, сиёсий, маданий марказга айланган.

Шаҳар қалъаси ичида икки муҳташам қаср — Кўқсарой ва Бўстонсарой, хунармандлик устахоналари, савдо расфалари, карвонсаройлар, шифонахоналар ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилган. Боғи Беҳишт, Боғи Дилқушо, Боғи Шамол, Боғи Баланд ва бошқа боғларнинг довури дунёга таралган. Бибиҳоним жомеъ масжиди, Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда мажмуаси, Мирзо Улугбек мадрасаси каби кўплаб машҳур меъморий обидалар ҳамон бутун дунёдан сайёҳларни ўзига мафтун этиб келмоқда.

Замонасининг улкан илмий марказларидан бири бўлган Самарқандда Мирзо Улугбек, Хожа Аҳрор Валий, Қозизода Румий, Али Қўшчи, Шарафиддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий сингари буюк аждодларимизнинг қадим излари бор. Не-не буюк давлат арбоблари, саркардалар, ижодкорлар бу шаҳри азимни зиёрат қилган.

...Ўзбек мумтоз ашулалари тизгинсиз хаёлларни тартибга солади, жозибадор рақслар кўнгилларга завқ-шавқ бағишлайди. Томошабинлар дилтортар ашула-



Ўза суратлари.

ларга жўр бўлиб, рақс тушади.

Юртимизда мусиқа санъати қадимдан ривожланган. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" асарида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида ёзар экан, шундай қайд этади: "Яши овзели хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку уйгур, мўғул ва хитойу араб ва ажамадин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди".

Бугун ҳам юртимизда ўз ҳофизини санъаткори бўлмаган қишлоқ ёки маҳаллани топиш қийин. Ҳар бир хонандонда дутор, дўмбюра, доира каби қолғу асбобидан бирортасининг бўлиши ҳам халқимизнинг санъатни нечоғли қадрлашидан далolat беради. Халқимизнинг куй-қўшиққа, санъатга бундай меҳри, мусиқа маданияти оила муҳитида шаклланган ва ривожланган.

Мустақиллик йилларида миллий мусиқа санъатини чуқур ўрганиш ва янада ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шашмақом, Катта ашула, Аския инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Жаҳон номоддий мероси рўйхатиغا киритилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси, ўнлаб театр ва маданий сабиоройлари, санъат йўналишидаги замонавий таълим муассасалари барпо этилди. Кўплаб кўрик-танлов ва фестиваллар ёш истеъодларни кашф этиш, уларнинг маданий ҳаётини ошириш ва янги марраларга руҳлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали мамлакатимизда маданият ва санъатга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган юксак намунасиридир.

— "Шарқ тароналари" фестивалини ҳар гал орзиқиб кутамиз, — дейди самарқандлик меҳнат фахрийси Тўлқин Аҳмаджонов. — Бу фестивал дунё санъат аҳли байрами, халқимизнинг меҳмондўстлиги ва тинчликсеварлиги рамзига айланади. "Шарқ тароналари" санъат воситасида барча

халқларни дўстликка, ҳамжихатликка даъват этмоқда. Шунинг учун ҳам фестивални сайёрамизнинг барча қитъаларида билдирил, севадилар, кутадилар.

Фестивалнинг нуфузи ортиб, иштирокчилари географияси тобора кенгайиб бормоқда. Кўплаб мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, машҳур санъат намоёндалари унда қатнашишни ўзлари учун шараф, деб билади. 1997 йилда ўтказилган биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги анжуманга 60 га яқин давлат санъаткорлари ташриф буюрди. Фестиваль ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани ҳам анжуманнинг юксак мақом ва нуфузини кўрсатади.

Тўғри, ер юзидан тан олинган ва кенг эътироф этилган ўнлаб халқаро мусиқа фестиваллари бор. Аммо улар орасида "Шарқ тароналари" алоҳида мавқега эга. Чунки бошқа халқаро миқёсдаги мусиқа фестиваллари санъатнинг муайян турига ихтисослашган. Яъни айримларида фақат қўшиқ куйланса, бошқасида мусиқа ижро этилади ёки рақс тушилади. "Шарқ тароналари" эса санъатнинг барча кўринишларини ўзиде мумтоз эътироф этилган. Ушбу фестивалда дунёнинг барча қитъаларидан санъаткорлар қатнашаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

...Маросим авжида. Мумтоз ашулалар, фольклор намуналари, завқли рақслар дилларни жўштиради. Шўх куй-қўшиқлардан завқланган томошабинлар санъаткорларга жўр бўлади.

— "Шарқ тароналари" халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилаётгани билан дунёдаги энг нуфузли фестиваллар сирасига қиради, — дейди Эквадорнинг "Chotmadre" мусиқий жамоаси аъзоси Эдгар Эдуардо. — Ўн биринчи марта ўтказилаётган ушбу халқаро мусиқа фестивали жаҳоннинг турли минтақаларидан келган мусиқачилар, созандаю хонанда-

ларни бир ерга жамлади. Барчага ўз маҳоратини намоиш этиш учун тенг имконият яратди. Ўзбекистонда бундай фестивалнинг ташкил этилгани таҳсинга лойик. "Шарқ тароналари" йирик халқаро тадбир сифатида аъна тўсига киргани ҳам юртингизда маданият ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганидан яққол далolat беради.

Қадимий Самарқандга келган сайёҳлар муаззам шаҳарнинг юраги бўлмиш Регистон мажмуаси кўрку салобатига ҳайрат билан боқадди. Унинг гўзаллигини соқатлаб томоша қилади, сеҳрли оқшомларда тараладиган тароналарни сел бўлиб тинглайди...

"Шарқ тароналари" жаҳон халқлари миллий мусиқа санъатида эришилган ютуқларни асраш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Санъат орқали халқлар ўртасида дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, инсонларни эзгу ғоялар атрофида жипслаштириш, истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, халқаро ижодий алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари Регистон майдонидаги асосий сахнадан ташқари, Самарқанд шаҳридаги қатор маданий-маърифий муассасалар, Оқдарё, Самарқанд, Пастдаргом, Жомбой туманларида ҳам концерт дастурлари намоиш этмоқда. Самарқанд шаҳридаги истироҳат боғлари ва хиёбонлар, театрлар, маҳалла гузарлари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида учрашувлар ўтказилмоқда.

Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлар Самарқанднинг ноёб тарихий обидаларини зиёрат қилиш, она дёрфимизда етиштирилган туфра ноз-неъматлар билан тўла бозорларимизни кўриш, истиқлол йилларида халқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилаётган улкан ютуқ ва марралар, амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

Бекзод ХИДОЯТОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Ўза махсус мухбирлари

БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗ МЕРОСИ — БЕБАҲО ХАЗИНА



(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЮНЕСКО шафелигидаги мазкур конференция 2014 йил Самарқандда ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига давоми сифатида Марказий Осиё минтақасидан етишиб чиққан олим ва мутафаккирларнинг тарихий меросини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш, жаҳон жамоатчилигини уларнинг аниқ ва табиий фанлар, ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссаси билан янада кенг таништириш, илмий марказлар ва олимлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил октябрь ойида пойтахтимизда ўтказилган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар ва зирлари кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимида юртимиздан етишиб чиққан ислом олами мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, дунёнинг барча халқларига ислом динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш учун Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи қошида халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклифини билдирган эди. Бу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 майда Саудия Арабистонига ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида Ан-

лашув меморандуми имзоланди. Айти пайтда ушбу мажмуа курилиши қизгин давом этмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда пойтахтимизда Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш бўйича кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди. Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бу саъй-ҳаракатлар муқаддас заминимиздан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини чуқур тадқиқ этиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш ҳамда ёш авлодни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Анжуманнинг очилиш маросимида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби Талеб Рифаи, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Бадарч Дендев, АЙСЕКО бош директори Абдулазиз Усмон ат-Тувайжри, МДХ Ижроия кўмитаси раиси — ижрочи котиби Сергей Лебедев, ИРСИКА бош директори Халит Эрен Марказий осиелик алломаларнинг дунё тамаддунида тутган ўрни, илм-фан ва маданият ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритди. Айтиқса, ислом маданияти ривожига Имом Бухорий, Имом Термизий каби муҳаддисларнинг беқиёс хизматлари қайд этилиб, уларнинг меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш бугунги глобаллашув даврида ни-

ҳоятда долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар юксак эътироф этилиб, бу дунё халқларини бирлаштириш, ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётган турли экстремистик оқимларга қарши курашишда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш бўйича ташаббуси бизнинг ташкилотимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланди, — дейди Ислом ҳамкорлик ташкилоти департаменти директори Махла ат-Талебна хоним. — Бу, аввало, Имом Бухорий ҳазратларининг энг сара ва ишончли ҳадисларни тўплаб, муқад-

ишлар, ушбу йўналишдаги халқаро ҳамкорлик юзасидан маърузалар тингланди.

— Марказий Осиё ренессансида Буюк Ипак йўли муҳим ўрин тутган, — дейди Хитой халқаро тинчлик фонди раиси Ли Руо Хонг. — Бу йўл шунчаки товар олиб ўтиш ёки хизмат кўрсатиш учун восита бўлиб қолмай, турли халқларнинг маданиятини тарғиб этиш, илм-фанни ривожлантириш, Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлашга хизмат қилган. Самарқанд эса Буюк ипак йўлининг чорраҳаси сифатида илм-маърифат, маданият марказига айланган. Шу нуқтаи назардан бугунги анжуманнинг бу қадимий шаҳарда ўтказилиши бежиз эмас. Айти кунларда бу ерда давом этаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ҳам дунё халқлари миллий

Осиё Ренессанси даврида гуманитар фанлар", "Маданият ва меъморчилик Марказий Осиёдаги маданий юксалишининг ёрқин акси сифатида" шўбалирига бўлингандоқда давом этди.

— Биз ўтмишдаги тиббиёт ёки бугунги замон медицинаси ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, Абу Али ибн Сино қарашларига таянамиз, — дейди Франциядаги Авиценна ассоциацияси президенти Марк Боннель. — Чунки аллома асарларида қайд этилган фикрлар, касалликлар аломати ва уларни даволаш йўллари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аксинча, айти пайтда замонавий тиббиётда таклиф этилаётган кўплаб даволаш усуллари ва муолажалар Ибн Синонинг тиббиётга оид китобларида содда тилда баён этилган. Шунинг учун ҳали буюк табиб илмий меросини ўрганиш борасида катта ва



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

дас ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшгани билан боғлиқ. Ушбу меросни ўрганиш ва ёш авлодга ўргатиш барча замонларда ҳам долзарб вазифа бўлиб қолади. Яна бир муҳим жиҳат, дунёдаги бугунги нотинч вазият, турли минтақаларда юз бераётган террорчилик ҳаракатларининг ислом дини билан боғланаётганидир. Ваҳоланки, ислом динининг асосини маърифат ва маънавият ташкил этади. Буни бугунги ва келажак авлодларга Имом Бухорий сингарини буюк муҳаддислар илмий мероси орқали етказиш энг тўғри йўлдир.

Халқаро конференциянинг ялпи мажлисида Марказий Осиё ренессансининг ўзига хос хусусиятлари, бу даврда фаолият кўрсатган алломалар ва уларнинг меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган илмий

санъати ва маданиятини ривожлантириш, тарғиб этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Марказий Осиёда IX-XII ва XIV-XV асрларда рўй берган илмий-маданий уйғониш даврининг турли жиҳатлари, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий каби уламоларнинг маънавий мероси таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди.

Куннинг иккинчи ярмида конференция "Марказий Осиё Ренессанси даврида аниқ ва табиий фанлар ривожини", "Марказий Осиё — ислом илм-фанининг илғор ғоялари бешиги", "Марказий

кенг қўламли тадқиқотлар олиб боришимиз лозим.

Марказий Осиё Ренессансида муҳим ўрин тутган буюк аллома ва мутафаккирлар меросини ўрганишда мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг ўзаро фикр алмашиши, илмий-амалий алоқаларни мустаҳкамлаш учун қулай имконият яратган мазкур халқаро анжуман давомида 50 дан ортиқ маъруза тингланди. Муҳокама этилган мавзулар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, ушбу йўналишда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазибалар белгилаб олинди.

Халқаро конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев сўзга чиқди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА муҳбири

2017-yil 30-avgust, № 69 (9030)

ВАТАН, ХАЛҚ УЧУН ФИДОЙИЛИК ВА САДОҚАТ БИЛАН МЕХНАТ ҚИЛИШ ШАРАФДИР

29-30 август — “Буюк хизматлари учун”, “Фидокорона хизматлари учун”, “Меҳнат шухрати”, “Шон-шараф”, Жалолiddин Мангуберди орденлари таъсис этилган кунлар



Элни суйган элда азиз, дейди халқимиз. Азалдан ота-боболаримиз эл-юрти учун жон койитган, унинг юксалишига улуш қўшган, озодлик, тинчлик учун курашган инсонларни алоҳида эъзозлаб, қадрлаб келган. Буюк Соҳибқирон Амир Темур юртпарвар, садоқатли ва фидойи кишиларни муносиб рағбатландирган, жанг жаддаларда мardлик ва жасорат кўрсатганларга туг ва ноғора топшириб, уларни “баҳодир” деб аташни амр қилган.

Истиқлол йилларида озод ва обод Ватан, эркин ва демократик давлат барпо этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч-осойишта, фаровон, бахтли ва муносиб ҳаёт кечирishiни таъминлаш, инсон шаънини қадрлаш борасида улкан ислохотлар амалга оширилди. Халқимизнинг бугуни ва эртасига ишончи мустаҳкамланди, юрт равнақи дахлдорлик, Ватанга елка тутиш, камарбаста бўлиш туйғуси, бунёдкорлик салоҳияти юзага чиқди.

Мамлакатимизда ватанпарвар, юртга садоқат билан хизмат қилаётган инсонларни улуғлаш, ўз салоҳияти, истеъдоди билан Ватанимиз равнақида, унинг халқро майдон-

даги обрў-эътибори юксалишига катта ҳисса қўшаётган юртдошларимизнинг меҳнати-га муносиб баҳо бериш доимий эътиборда.

1996 йил 29 август куни “Буюк хизматлари учун”, 2003 йил 29 август куни “Фидокорона хизматлари учун”, 1995 йил 30 августда “Меҳнат шухрати”, “Шон-шараф”, 2000 йил 30 август куни Жалолiddин Мангуберди орденларининг таъсис этилиши бу борадаги ишларнинг амалий тасдиғидир.

“Буюк хизматлари учун”, “Фидокорона хизматлари учун”, “Меҳнат шухрати” орденлари билан мамлакатимизда фан ва техникани, иқтисодиёт ва маданиятни, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишга, муҳофаза қудратини кучайтириш ва миллий хавфсизлигини таъминлашга, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшган, ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибасини Ватанимиз равнақида бахш этиб, фидойилик намунасини кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқарола-

ри ҳамда хорижий давлатларнинг фуқаролари, ҳарбий хизматчилар муқофотланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 26 августдаги фармони билан мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати, ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими фаоли Мадамжон Ҳасанов “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев камгарона меҳнатини юксак баҳолагани учун миннатдорман, — дейди 94 ёшли Мадамин ота Ҳасанов. — Иккинчи жаҳон урушидан қайтган, турли соҳаларда меҳнат қилдим. Бугун ана шу меҳнатимизнинг роҳатини кўриб, тинч-осойишта, доруломон замонда, фарзандларимиз, невараларимиз бағрида умргузорлик қиляпмиз. Катта ҳаётга кириб келаётган ёш авлодга мустақиллик, тинчлик ва тўкин-сочинликнинг қадрига етишни насилар қилиб юрибди. Президентимизнинг халқ учун, ай-

ниқса, биз кексаларга кўрсатилган улкан эътибори, ғам-хўрлиги, билдираётган юксак ишончи бизни янада фаол бўлишга ундайди.

Жалолiddин Мангуберди — Ватан тақдир, озодлиги учун жон фидо қилган халқимизнинг асл миллий қаҳрамони, жасорат, мardлик ва ватанпарварлик тimsoli.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан мard ва жасур бобокалонимиз хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилди. 2000 йил 30 августда Жалолiddин Мангуберди орденининг таъсис этилиши Ватан сарҳадларини, она юртимиз тупроғини, мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда, уни кўз қорачиғидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намунасини кўрсатган, давлатимизнинг муҳофаза қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчиларининг садоқатига, баҳодирлигига, шарафли ва масъулиятли меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди.

Мазкур орден билан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар, ҳарбий бўлинмалар, шунингдек,

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам тақдирланиши мумкин.

Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатилган фидойилик ва мardлик, Ўзбекистонда муҳофаза қудратини ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Қуроли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги катта хизматларни тақдирлаш учун таъсис этилган яна бир юксак муқофот “Шон-шараф” орденидир. Мустасно ҳолларда мазкур орден билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам муқофотланиши мумкин.

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига ўтмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Бу йўлда халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, жипслиги, бир тан, бир жон бўлиши янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, Ватан учун, халқ учун ёниб яшаш, фидойилик ва садоқат билан меҳнат қилиш шарафдир.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Шукроналик айёмига тарадду

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам Қурбон ҳайитини тинч, тартибли ва юқори савияда нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрилмақда.

Президентимизнинг 2017 йил 24 августдаги “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди. “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари ҳамда мутасадди идоралар томонидан байрамни жойларда тартибли, миллий қадриятларимизга мос ўтказиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Муқаддас байрам арасида барча қишлоқ ва маҳаллаларда кенг қўламли бунёдкорлик-ободонлаштириш ишлари бажарилаётди. Боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилалар, кексалар, ногиронлар ва беморлар ҳолидан хабар олинмоқда.

— Халқимиз маънавий ҳаётида Қурбон ҳайитининг ўрни беқиёс, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари Орзикул Сотатов. — Миллий ва диний қадриятларимиз ўз ифодасини топган ушбу байрамни кўтаринки руҳда нишонлаш халқимизга хос азалий қадрият. Меҳр-оқибат, бағрикенглик ва саховатпешалик каби фазилатларимиз кенг намойён этилиб, маҳаллалар, уй-жойлар, кўча ва хиёбонлар тартибга келтирилмоқда. Муқаддас қадамга ва зиёратгоҳлар, қабристонлар атрофи ободонлаштирилаётди. Байрамни тинч-хотиржам, шоду хуррамликда ўтказиш учун ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА муҳбири

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ҳамда Қурбон ҳайити байрами муносабати билан «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!» деб номланган хайрия тадбирлари ўтказилмоқда.

Тинчлик, аҳиллик — энг олий неъмат

Шайхонтохур туманида ташкил этилган ана шундай хайрия тадбирига кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар вакиллари тақдир этилди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар халқимизнинг орзу-уйлари, ҳаётига дахлдор масалаларни кенг ва атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, турли камчиликларга ўз вақтида ечим топиш, одамларга елкадош бўлиш масаласига жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Юртимизда қўшалок қутлуг айём шукӯи кезиб юрган шу кунларда юртдошларимизда миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, истиқлолни, унинг азиз неъматларини қадрлаш, шукроналик туйғуларини билан яшашга интилишни осонгина пайқаш мумкин.

Шу кунларда барча жойларда бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам кам таъминланган, алоҳида эҳтиёжли оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, фахрийлар ҳолидан хабар олиш, улар учун байрам дастурхонларини ёзиш, совғалар топширишга оид эзгу ишлар янада кўпайган.

Тўкин дастурхон атрофида кечган тадбирда мустақиллик, тинчлик ва осойишталик, юртимиздаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, аҳиллик муҳити энг катта бойлик экани алоҳида таъкидланди. Иштирокчиларга бадий-маърифий адабиётлар, кичиктойларга эса истироҳат боғларига чиқалар, ўйинчоқлардан иборат совғалар топширилди.

Бу каби хайрия тадбирлари пойтахтимизнинг барча туманларида ташкил этилмоқда.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Бухорода "Фидойинг бўлгймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида "Касаба уюшмалари — хотин-қизларга!" акцияси ташкил этилди.

Акция доирасида Пешку, Вобкент ва Қоровулбозор туманларидан 34 нафар эхтиёжманд аёлга маиший техника жиҳозлари совға қилинди.

— Ҳам маиший техника харид қилишни ният қилиб юргандим, — дейди Қоровулбозор туманидан Б.Тасабаева. — Буни қаранг, қутилмаганда мен ўйлаб юрган нарсани совға қилишди. Энди харидга мўлжаллаган пулимизга болаларга байрам совғаси оламиз. Эхтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик учун давлатимиздан миннатдоримиз.

Шу кунги вилоятнинг чекка қишлоқ туманларида истиқомат қилувчи кам таъминланган 125 хотин-қизга ҳам маиший техника жиҳозлари тўхфа қилинди. 5 аёлга касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда саломатлигини тиклаши учун бепул йўлланма берилди. Олий ўқув юрларида тўлов-шартнома асосида таълим олаётган 8 талабага касаба уюшмалари стипендияси сертификати топширилди.

Тадбир танikli санъаткорлар ижросидаги концерт дастури билан якунланди.

❖ Хўжайли транспорт касб-хунар коллежида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 36 ташкилот 110 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ташкиллаштирилган меҳнат ярмаркасида 28 нафар ёшга мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

— Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ўзбек филологияси йўналишини битирдим, — дейди Нигора Тожиева. — Бугунги ярмаркада кўзбек тили, туманимиздаги 71-умумтаълим мактабида ёшларга ўзбек тили ва адабиётидан дарс берадиган бўлдим.

Нукус шаҳар бандликка қўмаклашиш маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ярмаркада шаҳардаги қорхона ва ташкилотлар томонидан 30 га яқин бўш иш ўрни тақдир этилди.

❖ Бўстонлик туманидаги "Ёшлар оромгоҳи"да Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри "Камалак" болалар ташкилоти раислари, таълим муассасаларининг ёшлар, спорт, соғломлаштириш ва бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими мудирлари учун ўқув-семинар ўтказилди.

Семинарда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши томонидан жорий йил сентябрь ойида мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида ёш сардорлар сайловини ўтказиш, ташкилотнинг худудий бўлиmlари мудирлари учун иш фаолияти давомида фойдаланилаётган янги меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш тартиби ҳақида фикр алмашилди, келгуси иш режалари ишлаб чиқилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ходимлари, турли жамоат ташкилотлари вакиллари ва ёшлар иштирокида "Камалак" болалар ташкилотининг I Раёсат йиғилиши ўтказилди.

Семинарда ҳудудлардаги "Камалак" болалар ташкилоти раисларига сентябрь ойига мўлжалланган сардорлар сайловини ўтказиш бўйича тегишли тавсиялар, таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларнинг янги ташкилий тўзилмаси хусусида атрафлича маълумот берилди.

❖ Пойтахтимиздаги "Дўстлик боғи" юртимизда истиқомат қилаётган кўплаб миллат ва элат вакиллари ўзига чорлади.

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб «Фидойинг бўлгймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, миллий маданий марказларнинг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон халқ артисти Зинаида Соловей ҳаёти, тақдирини жонанон дийримиз билан чамбарнас боғлаган.

— Умрим давомида шу табаррук замин, унинг меҳридарё, меҳнатсевар халқи туфайли кўп ютуқларга эришдим, — дейди Зинаида Ивановна. — Энг улуг ва азиз байрамни кўтаринки руҳда қутиб олаётганимизнинг бош омили ҳам тинчлик, тотувлик, ижтимоий барқарорликдадир.

Юртимизда барча миллат ва элат вакиллари таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз истеъдодини юзага чиқаришининг ҳуқуқий кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қатъий кафолатланган.

Тадбирда Ўзбекистонимизни, истиқлолни, олижаноб халқимизни, гўзал инсоний фазилатларни тараннум этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Кичик ижодкорнинг катта асари

Тошкент фотосуратлар уйининг фойе ва залларини безаб турган ранг-баранг расмлар, натюрморт, ҳайкал-тарошлик ва турли амалий санъат намуналарини кўриб, худди санъат галереясига тушиб қолгандек бўласиз. Юртимизнинг гўзал ва бетакрор табиати, ҳайвонот олами, қадимий обидалари, истиқлол йилларида бунёд этилган ишчиотлар, миллий қадрият ва урф-одатлар тасвирланган ижод намуналарини кичик ижодкорларнинг катта асари, дейиш мумкин.

"So'g'lom avlod uchun" халқаро хайрия фонди, Халқ таълими вазирлиги, Бадий академия, Республика "Sen yolg'iz emassan" болалар жамоатчилиги ҳамкорлигида юртимиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган "Камалак жиҳоси" расмлар кўрик-танловининг якуний босқичида 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларнинг ижод намуналари намойиш этилди.

— Тасвирий санъат — севишли машғулоти, мавзу танламайман. Сув бўйида ижод қилиш мен учун мароқли. Кўл бўйида қуёшнинг ботишини



тасвирлаб чизган суратим — "Соҳилда кун ботиши"ни кўрик-танловга тақдим этдим, — дейди танлов совриндори, Жиззах вилоятидаги 29-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Акмал Суванов. Ижодий беллашувда энг

сара акварел расм ва амалий санъат асарлари орасидан Тошкент шаҳридаги 30-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Роман Блохин, Хива болалар шаҳарчасидан Нозима Жуманиёзова, Наманган вилоятидаги 26-меҳрибонлик уйи ўқувчиси Муҳайё Раҳимжоновнинг ижод намуналари алоҳида эътироф этилди.

— Табиат манзаралари, ҳайвонот оламининг мўъжизалари мен учун — илҳом манбаи, — дейди Роман Блохин, — Тинч ва фаровон юртимиз осмонидан ўчаётган кабултарлар расми биринчи ўринга лойиқ топилиганидан жуда хурсандман. Бу муваффақиятим замирида устозларимнинг кўп йиллик меҳмати мужассам. Моҳир расм омуни бўлиб, юртим жамолини тасвирий санъат орқали бутун дунёга кўз-кўз қилмоқчиман.

Кўрик-танлов ғолиб ва совриндорлари ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ҳасан МҮМИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири
Б.РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

Болаларга байрам совғаси

Мустақиллигимизнинг 26 йиллик байрами арафасида Нукус шаҳри марказида болалар ва ёшлар дам олиш боғи фойдаланишга топширилди.

Сўлим масканга Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳисобидан Хитой давлатидан 20 номдаги замонавий аттракционлар олиб келиб ўрнатилган. Турли манзарали дарахт ва гуллар, фавворалар дам олувчилар кайфиятини кўтарди. Болаларлар қувончининг чеки йўқ.

— Шаҳримиз йилдан-йилга гуллаб-яшнаб бормоқда, — дейди Элмира Эрназарова. — Боғ шахримизнинг энг сўлим гўшаларидан бирига айланди. Фарзандларимиз шодлиги, бахтини кўриб, фаровон кунларга шукрона айта-миз.

Боғнинг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси Қаҳрамон Салиев қатнашди.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ҳаёт мураббийи — китоб

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Республика Маънавият ва маърифат маркази "Китоб мутлоаси ва муҳокамаси — маърифий ибрат олиш йўли" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

Пойтахтимиздаги бир неча умумтаълим мактаблари ўқувчилари, касб-хунар коллежлари битирувчилари, таниқли олим, шoir, ёзувчи ҳамда маънавият тарғиботчилари иштирок этган тадбирда мутлоа маданияти, бугунги китобхонлик даражаси, босма маҳсулотларнинг сифат-савияси хусусида фикр алмашилди.

— Бугунги болани шунчаки эртак билан алдаб бўлмайди. Ойнаи жаҳон, интернет, яна турли-туман қурилмалардаги ишқибоз боланинг ёшига мос эртак, ривоят ёки китобни танлаб, ўзимиз ўқиб берсаклик, фарзандимизда ижобий ўзгаришларни илғаймиз, — дейди ЎЗМУ ўқитувчиси

Аҳмадjon Мелибоев. — Айни замоннинг боласи ҳам ақлан, ҳам жисмонан тез вояга ета-япти. Бу жиҳатларни ҳам ҳисобга олсак, ўзимиз ўрناк бўлиб, ўғил-қизимизга китоб олиб берсак, мутлоага рағбатлантирсак, она Ватанга энг катта хизматимиз шу.

Тадбир интерактив усулда — ўзаро савол-жавоб, баҳс-мунозара шаклида ташкил этилиб, иштирокчилар саволларига мутахассислар батафсил жавоб беришди.

Чарос НИЗОМИДИНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Сифатли таълим-тарбия — асосий вазифа

Олмасор туманидаги 54-мактабгача таълим муассасасида ташкил этилган август кенгашида халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим муассасаларининг услубчилари, психологлар ҳамда дефектологлар иштирок этди. Анжуманида мактабгача таълим муассасаларига қўйилган давлат талабларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш хусусида сўз борди.

Август кенгашида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини таҳлил қилиш, муаммоларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди. Боғчаларда тарбияланаётган болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлашда тарбиячи ва психолог ҳамкорлигини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ўтган йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, янги ўқув йилида қилинадиغان вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда туман халқ таълими бўлими томонидан тарбиячиларга мазмунан янги, таълим-



тарбия сифатини оширишга қаратилган ўқув дастурлари ва қўлланмалар тарқатилди.

Феруза ХОЛМУРОДОВА
Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

2017-yil 30-avgust, № 69 (9030)

Ватан — барламизни бирлаштиради

Рио-де-Жанейро оқшомлари

2016 йилнинг 23 августи. Соат 21:00, сўлим ва сокин август оқшомларидан бири. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳудудига келиб қўнаётган улкан ҳаво лайнерларидан бирида спортчиларимиз ўтиришарди. Ҳаво кемаси муваффақиятли қўнгани эълон қилинди. Орзиқиб кутилган лаҳзалар! Қўлларда гулдаста, дилларда гурур ва сурур! Бутун дунё нигоҳи қадалган Рио-де-Жанейро шаҳрининг улкан спорт майдонларида Ўзбекистон номини шарафга буркаган ватандошларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб, самолётдан бирин-кетин туша бошлади. XXXI ёзги олимпиада ўйинларидан 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медаль билан қайтган Ўзбекистон фарзандларини кутиб олиш маросими чинакам байрамга айланиб кетди. 200 дан ортиқ давлат спортчилари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақада 87 давлат вакиллари голиблик шохсупасига кўтарилган бўлса, умумжамоа ҳисобида Ўзбекистоннинг 21-ўринини банд этгани яшин тезлигида бутун дунёга тарқалди.

Шонли воқеа сифатида тарих зарваракларига битилган бу катта ғалаба ҳали ҳеч биримизнинг хотирамиздан кўтарилгани йўқ. 16 спорт тури бўйича олимпиадада отланган юртдошларимиз тақдири гўёки ҳар биримизнинг тақдиримизга айлангандек бўлди. Ҳар куни нигоҳларимиз телеэкранга қадалди. Вақтли матбуот нашрларини varaқлаб, радио мураввини бураймиз: Ўзбекистон спортчилари дунё миқёсида ўтказилаётган беллашуларда ўзини кўрсата олайтими? Улар қандай натижа билан қайтишар экан?

— Ўзбекистон мустақиллиги йилларида спорт соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универ-

сиада спорт мусобақаларининг жорий этилиши туфайли дунё миқёсидаги мусобақалар ўзбек ёшлари учун голиблик майдонига айланди. Бразилияда ўтказилган олимпиада ўйинлари бунинг ёрқин мисолидир. "Бугун қандай натижа бўлар экан?" деган савол Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бир инсонни ҳаяжонга солди. Оқшомлар ухламай Рио-де-Жанейро майдонларига кўз тикдик. Биринчи олтин медални Ҳасанбой Дўстматов кўлга киритганида, қалбим гурурга тўлган. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи олтин медални бир неча босқичдан сўнг олган юртдошларимиз Шаҳобиддин Зойиров, Фазлиддин Гойибназаров, Руслан Нуриддиновни ёнимда бўлса, кучиб олишга, даст кўтаришга тайёр эдим. Кумуш, бронза медални олиб қайтганлар билан фахрланганимизчи? Яқинда Германиянинг Хамбург шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида 10 нафар боксчимиз жўнаб кетди. Шубҳасиз, ўша кунларда ҳар бир юртдошимизнинг юрагида орзумид жўш уради. Дахлдорлик шу тарзда рўй берса, шундай кўринишда намоян бўлса, ҳар бир инсонда ўз юртига меҳр-муҳаббат қучади, бу эса фидойилик туйғусига айланади, — дейди Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг илмий ишлар бўйича проректори, педагогика фанлари доктори, профессор Рустам Холмухаммедов.

Мен, сен, у... ҳамма. Биз, сиз, улар — барча. Ҳамма-ни, барчани Ватан бирлаштиради. Она юрт тақдирига, унинг муваффақиятларига ўзини дахлдор деб билган кишилар эса орамизда минглаб, миллионлаб топилади ва улар асло кам бўлмайдилар...

Партадаги жажжи байроқ

"Ҳаш-паш" дегунча ўқув йили охирилади. Руҳан толиққан болаларни таътилга кузатиш керак. Аммо ўқитувчиларга ҳали иш етарли. Таълим даргоҳида ҳар бир масала бамаслаҳат, бақамти ҳал қилинади. Ўқитувчилар бир-бирига ишонади, суянади. 34 нафар ўқитувчи бу ернинг 34 устун. Нафақат кенг қамровли таълим жараёни, балки синфхоналар тоза-озодлиги, йўлакнинг безатилиши, ҳовли саранжом-саришталлигида ана шу устунларнинг роли яққол сезилади.

Муаллим ва муаллималар Ҳоразм вилоятининг 9 та туманидан қатнаб ўқийдиган 305 нафар ўқувчини, аввало, пухта билим эгаси қилиб вояга етказиш, ўз юртига садоқатли бўлиши, унинг миллий-маънавий анъаналарини ардоқлаши учун турли воситалардан фойдаланишади. Бундан уч йил муқаддам мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Тўхтасин Отажоновнинг таклифи билан мавжуд 13 та синфдаги парталарнинг ҳар бирига миттигина байроқча ўрнатилди.

— Барча таълим масканлари, одатда, Ўзбекистон байроғини кираверишга ёки дарвозага осишади. Мактаб раҳбарлари, ўринбосарлари кабинетда сақланадиган байроқ кириб-чиқувчиларга ўзгача кайфият бағишлайди. Синфхонага ўрнатилса-чи, бунинг таъсир доираси янада бошқача бўлар экан. Бола ўз юртининг рамзини юрагига кўчиради, улғайса, шу азиз Ватани тараққиётига ҳисса қўшишни мўлжаллайди. Мактаб-интернатимизда таълим олаётган ҳар бир бола давлатимиз рамзлари қайси йил, ой ва кунда қабул қилинганини янглишмасдан айтиб бера олади. Байроғимизда акс этган кўк, яшил, оқ, қизил ранглар, ой, юлдузлар тасвири нимани англатади,

сўранг, булбулигўё бўлиб кетишади. Бу нимадан далолат беради? Педагогика йўналишида олиб борилган тадқиқотларда қайд этилишича, дахлдорлик фазилати соф ҳолатда эмас, балки қатор инсоний сифатлар туркуми контекстида юзага келади. Яъни дахлдорлик тушунчасини «маънавий-ахлоқий тарбия», «виждон, унинг таркибий қисмлари», «виждон амри», «виждон уйғоқлиги», «миллий ғоя», «комил инсон», «фидойилик», «ватанпарварлик», «мафқуравий иммунитет» каби тушунчалар билан алоқадорликда талқин қиламиз. Демак, шахснинг маънавий-ахлоқий ва эстетик камолотида барча масалалар каби дахлдорлик мавзуси бирламчи аҳамият касб этар экан, буни янги — 2017-2018 ўқув йили арафасида яна ҳам теранроқ ҳис этмоқдамиз. Синфхоналар, кутубхона, ётоқхона жорий таъмирдан чиқарилди. Тоза-озода сақланаётган байроқчаларни яна ўз жойига ўрнатиб чиқамиз, — дейди Янгиариқ туманидаги 11-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати раҳбари Шер Кўчқоров.

Дахлдорлик ўз-ўзидан пайдо бўладиган ижтимоий ҳодиса эмас. Уни ҳосил қилиш мураккаб жараён.

Педагогик тажрибаси етарли бўлган, кўпни кўриб, кенг фикрлайдиган мактаб жамоасигина бунинг уддасидан чиқади. Ушбу таълим даргоҳининг барча кўрсаткичлар бўйича сўнги ўқув йилида вилоятда тўртинчи, туманда эса биринчи ўринни эгаллагани ана шу сифатнинг маҳсулидир.

Тошкентнинг ҳашаматли саройи



Ўзини кўп нарсага дахлдор деб билмаслик натижасида лоқайдлик иллати авж олади. Турли офат, жиноят, ҳалокатлар содир бўлишининг асл сабабларидан бири айрим кишиларнинг дахлдорликни етакчи фазилатга айлантдириш билан боғлиқ эмасмикан? Ўз юрти билан фахрланувчи, касби ёки ҳунари билан унинг ривожига ҳисса қўшишдан завқланадиган замонадошларимизнинг бу инсоний сифатни ўзида мужассамлаштирганини кундалик фаолиятимизда кўп кузатамиз.

Жонажон пойтахтимиз — Тошкентнинг бугунги жамоли кишини ҳайратлантиради. Кенг ва равон кўчалар, шарқона усулда тикланган осмон-ўпар бинолар, ям-яшил майсалару райхонлар сайёҳлар диққатини ўзига тортади. Амир Темур хиёбони ва унинг шундоққина биқинида жойлашган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи ёнидан ҳар тонг ўтган йўловчи ажиб манзаранинг ғувоҳи бўлади.

Богбон бинонинг олд, орқа ва ён қисмидаги гулзорни парваришлайди. Агар бино атрофига эқилган майсаннинг сўғориш мuddати яқинлашган бўлса, автоматик сўғориш воситаси ҳаракатга келади. Ўт ўрувчи "Крафсман" русумли

мослама билан ҳар уч-тўрт кунда майсаларни ўриб чиқарилади. Умумий майдони 2,4 гектардан зиёдроқ муҳташам иншоотда тозалик-озодалик ишлари эрталабдан кечга қадар давом этади. Умумий ўлчами 112x80 метрли ташкил қиладиган бу иморатнинг баландлиги 48 метр. Оддий тилда айтсак, саройнинг тепасига қарамоқчи бўлган одамнинг дўпписи ерга тушиб кетади...

Иншоотнинг чор-атрофи ва ичкари қисми ёғ тушса, ялагудек. Фаррошу богбонлар сидқидилдан тер тўкишади. Бу ерда меҳнат қиладиган оддий ва самимий инсонлар юзида фидойиликни, ўз ишига масъулиятни илғай-

сиз. Фаррошлар раҳбари, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонини соҳибаси **Мавлуда Ёқубова** мамнун бўлиб сўзлайди:

— Энг гўзал ва ҳашаматли бу иншоот фойдаланишга топширилиши арафасида, яъни 2009 йилнинг август ойида ишга қабул қилинганми. 20 нафар фаррошнинг ҳар бирига бино ташқариси ва ичкарида ажратилган майдонча бор. Эрталабки соат 8 дан кеч соат 17 гача тозалаш, саранжом-саришта қилиш билан бандмиз. Дунёнинг атиги 4 та давлатида худди шундай сарой бунёд этилган экан. Уни қуриш, безатиш учун энг қимматбаҳо

материаллардан фойдаланилгани боис, биз фаррошлар унинг ҳар бир қаричини

Ҳа, дахлдорлик худди шундай ҳис қилинади. Оддийгина фаррош аёл тўлиб-тошиб сўзлайди. Бирга ишловчи опа-сингилларини ҳам зиммасидаги вазифани чин кўнглидан адо этишга ундайди...

Саройнинг орқа тарафига ўрнатилган фавворадан сув бир текис отилади. Каштан, магнолия, сакура, гинка дарaxтлари ёз шабадасида ёнги тебранади.

Саройнинг тўрт тарафига ўзгача кўрк бағишлаб турган майсазорни нақ ям-яшил гилам дейсиз. Қисқаси, кимки анжуманлар саройининг ёнидан ўтар бўлса, бир дақиқа тўхтайдиган, хаёл суради, улкан иншоотлар бунёд этаётган ўзбек халқига, унинг фидойи, мард, танти фарзандларига таъзим қилади. Аслида, шунинг ўзи ҳам юрт тақдирига дахлдорликдан нишондир.

Хулқар ТҮЙМАНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири




ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

*реktoratini, professor-ijrochilarini va talabalarini jamoasini
ozod va obod mamlakatimizdagi barcha aholisini, Ўzbekiston
Respublikasini Oliy va iqtisodiy ma'ruza tashkiloti, Xalq ta'limi
vazirligi va boshqa tashkilotlar bilan hamkorlikda barcha qirg'iq
va muhojirlarni Ўzbekiston Respublikasini mustaqillik
26 yillik bayrami bilan kutiblaydu!*

*Mamlakatimizni yanada yillab-yillay olib borishda, ta'lim va fan
tashkilotlarini ishloqchilarni samarali amalga oshirish iqtisodiy
tashkiloti va sharoitini ishloqchilarni yanada
va zararlarni tashkiloti!*





2017-yil 30-avgust, № 69 (9030)



ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

Муҳтарам юрtdoшлар!
Азиз ўқитувчи ва мураббийлар!
Барчангизни мамлакатимиз
мустақиллигининг 26 йиллик
айёми ва муборак Қурбон ҳайити
билан қутлаймиз!

Ватанимиз равнақи, фаровон
турмушимизни янада
юксалтириш, илм-фанни
янги-янги кашфиётлар билан
бойитиш, ёш авлодга
таълим-тарбия бериш
йўлидаги олижаноб
фаолиятингизда
муваффақиятлар
ёр бўлсин!



Айёмингиз муборак бўлсин!

2017-yil 30-avgust, № 69 (9030)

Қатагон қурбонлари хотираси абадийдир

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасида жойлашган музей янада гавжумлашади. Мустақиллик шарофати билан бунёд этилган ушбу ёдгорлик мажмуаси пойтахтимиздаги муборак қадамжолардан бири бўлиб, зиёратчилар қадами узилмайди. Мозий саҳифаларию ота-боболаримизнинг умр йўллари билан танишиш имкони берувчи бундай қадамжолар мисолида осуда ва фаровон ҳаётимиз қадрини яна ҳам чуқурроқ ҳис қиласан, киши!



Музей ҳар бир зиёратчини олис ўтмиш сари етаклайди. Аънавий меъморлик услуби (айвон, гумбаз, пешайвон, равоқ ва бошқалар)да қурилиб, миллий безаклар билан зийнатланган бино мурабба тарҳли бўлиб, ферузранг гумбазли «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуадаги айвон гумбаз билан уйғун. Унинг умумий қўринишига очiq айвон, 42 устун ва тўсун ҳамда 4 тарафдаги қириш зинапоёси ўзгача салобат бағишлаб турибди. Мармар, ҳақик, гранит тошлар, рангли кошинлардан маҳорат билан фойдаланилган музейнинг ташқи қўринишига маҳлиё бўлганча ичкарига одимлади.

Эшикдан кирган кишининг кўзи, энг аввало, қаршидаги зулукдек қопқора, аммо негадир гилдираклари қип-қизил ранга бўялган машинага тушади. Гуё фикримизни уқандек экскурсовод Эркин Ражабов унга шундай таъриф берди:

— 1937-38 йиллардаги оммавий қатагонда минглаб беғуноҳ кишилар ушбу машинада олиб кетилган. Уша пайтда бу машина "Қора қарға", "Қора қузғун" номи билан аталган. Гилдиракларининг қизил рангда экани, беҳуда тўкилган қонга ишора.

Музейнинг биринчи ва иккинчи залида чор Рос-

сиясининг Туркистонни босиб олган давридан мустақиллик йилларигача бўлган тарихий жараёнларни ўзида акс эттирувчи экспонатлар жойлашган. Бўлимда "мардикорлик", "қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати", "қулоқ қилиш", "коллективлаштириш" деб ном олган турли оммавий қатагонлар билан бирга,

тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш, қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, тарихий обидаларимиз, динимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида "сўзлайди". Бу экспонатлар томошабинга элюртимизнинг асл фарзандлари ҳар қандай вазиятда ҳам босқинчиларга бўйин эгмагани, зулм ва зўравонликка қарши мардларча курашганини ифодалайди.

Қуръони карим, "Авесто" ва "Алпомиш" каби нодин китоблар нусхаси, Наврўз байрами лавҳалари, мустақиллик иншоотлари, ўзбек автомобиллари макети, 2007 йилда ISESCO ташкилоти томонидан топширилган "Тошкент — ислом маданияти пойтахти"нинг рамзий калити ҳар бир ўзбекнинг қалбини ғурур-ифтихорга тўлдирди. Мустақиллик экспозициясига Ўзбекистон ўшлари эришаётган ютуқлар, "Нихол" ва Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, спортчиларнинг оламшумул галабалари ўзгача мазмун бағишлагандек гўё.

Учта зал ва ўн бўлимдан иборат музей фондида 20 мингга яқин экспонат сақланмоқда. Томошабинларга видеомонитор, мультимедиа ускуналари ёрдамида тегишли лавҳаларни томоша қилиш, тарихий маълумотларни бевосита эшитиш имконияти яратилган. Кўплаб видео ва аудио дисклар, электрон матнлар шу мақсадга хизмат қилади. Уйжойи, оиласи, ота-онаси, фарзандидан айрилган, боши қулфатдан чиқмай, ном-нишонсиз кетган ота-боболаримиз хотирасига истиклол йилларида давлатимиз томонидан юксак эҳтиром кўрсатилаётганини ушбу мажмуа ва музейда бўлган киши кўнглидан ўтказилади. Ва "Шахидлар хиббони" мажмуаси ҳамда "Қатагон қурбонлари хотираси" музейидан бир олам таассурот билан чиқади.

Раёхона ХўЖАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш сифатли таълим пойдевори ҳисобланади. Шу мақсадда ташкил этилаётган аънавий август кенгашиларида педагоглар таълим жараёнига татбиқ этилаётган янгиликлар билан танишиб, зарур услубий-методик ёрдам олишмоқда.

Пухта тарадду — сифатли таълим асоси

Мирзо Улугбек тумани халқ таълими бўлими томонидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўтказилган аънавий август кенгашида мактаб директорлари, методистлар ва ўқитувчилар иштирок этди. Тадбирда халқ таълими бўлими муdiri Рустам Мусаев янги ўқув йили янгиликлари, келгусидаги вазифалар ҳақида гапирди.

— Аънавий август кенгашилари ўқитувчилар учун муҳим тадбир ҳисобланади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Саида Музаффарова. — Бугунги йиғилишда янги ўқув йили янгиликлари билан танишиш, долзарб вазифаларни белгилаб олиш баробарида ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни ҳам муҳокама этдик. Мисол учун яқунланган ўқув йилида барча фан ўқитувчилари тест синовлари орқали имтиҳондан ўтказилди. Уларнинг 12 нафаригина ўз тоифасини сақлаб қолди, холос. Янги ўқув йилида шу каби камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур маслаҳатлар берилди.

Яшнобод ва Олмазор туманларида ҳам янги ўқув йилига пухта тарадду кўриш мақсадида "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида аънавий август кенгаши ўтказилди.

— Таълим тизимидаги ўзгаришлар янги ўқув йилида ҳар бир ўқитувчидан ишга янгича ёндашуви талаб этипти, — дейди туман халқ таълими бўлими мутахассиси Нодир Хайитов. — Ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида Ёшлар иттифоқи етакчилари ва синф раҳбарлари билан алоҳида ишлаш тартибини жорий этилди. Шўба йиғилишларида ҳар бир фан бўйича ўқитувчиларга услубий-



методик ёрдам кўрсатилди. Ўтган йилги хато ва камчиликлар қайд этилиб, уларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Ўртак кўрсатган фидойи педагоглар тақдирланди.

Avgust kengashlari

Пискент туманидаги 79-ИДУМда ўтказилган август анжуманида ҳам ўқитувчилар таълим сифатини оширишга доир зарур маълумотларга эга бўлишди. Жумладан, махсус таълим бўйича ташкил этилган шўба йиғилишида болаларни ижтимоий химоялаш, уларнинг жисмоний ва психологик ривожланишида муҳим омиллар баён этилди.

— Вилоятдаги 12 та ёрдамчи махсус мактаб-интернат ва 2 та меҳрибонлик уйида таълим-тарбия олаётган ўқувчилар тартиб-интизоми, билими ва саломатлигига алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси масъул ходими Яхшигул Шодиева. — Айни пайтда тажрибали ўқитувчи ва тарбиячилар томонидан имконияти чекланган ўқувчиларга дарс ўтишининг самарали йўллари ва методлари тасвир қилинмоқда.

Шоира БОЙМУРОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Методист ўқитувчилар мактаби

Шайхонтоҳур туманида "Методист ўқитувчилар мактаби" фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича навбатдаги ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда пойтахт мактабларида фаолият кўрсатаётган тажрибали методистлар, таълим муассасаси раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари иштирок этди.



Ўқув-семинарда "Методист ўқитувчилар мактаби" ва "Методист мураббийлар муассасаси", "Замонавий таълим муассасалари", "Инновацион тажриба-бўлим муассасалари"ни ташкил этиш бўйича батафсил маълумот берилди.

Жумладан, 20-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Саёҳат Абдураззоқова ўтган ноаънавий дарс иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Ушбу семинарда "Бошланғич синфда математика фанига дастурланган содда элементларни сингдириб ўқитиш масалалари" мавзусида дарс ўтдим, — дейди муаллима. — Интерфаол тарзда ташкил этилган мазкур дарсда "График диктант", "Уйлаб топ" интерфаол уйинлари ҳамда АКТ воситаларидан унумли фойдаландим. Ушбу уйинлар 1-4-синф ўқувчилари ёшига мос бўлиб, бола эътиборини тез жалб этади.

Шунингдек, 254-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Зухра Олимжонова олиб борган "Компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ва ўқув дастурлари асосида 1-4-синф дарслик ва ўқув қўлланмаларига киритилган ўзгаришлар" мавзусидаги дарс ҳам савол-жавоб ва мунозараларга бой бўлди.


Гулюз ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири



2017-yil 30-avgust, № 69 (9030)

САРАТОН С ВИТАМИНИДАН «ҚЎРҚАДИ»

Америкалик олимлар С витамини саратон хасталигига қарши фаол курашишни аниқлади. Тадқиқот натижалари «BMJ Open Diabetes Research & Care» нашрида эълон қилинди.



Онкологик хасталиклар ривожланиши натижасида одам организмида «ТЕТ2» генининг фаоллигига путур етади. Оқибатда саратон хасталигининг кучайиши учун шароит туғилади.

Аскорбин кислотаси эса айна шу генининг фаоллиги сусайишига йўл қўймайди. Олимлар мазкур усулни сичконларда текшириб қўришгач якуний хулосани эълон қилди. Маълум бўлишича, аскорбин кислотасини юқори дозда қабул қилиш сичконларда онкологик хасталиклар ривожланишини бир неча юз баробарга камайтирган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аскорбин кислотаси лимон, мандарин, апельсин, банан, олма ва кулупнайда кўпроқ бўлади. Шу боис олимлар саратонга чалинганларга бундай табиий махсулотларни кўпроқ истеъмол қилишни тавсия этмоқда. Буни соғлом одамлар ҳам ўз овқатланиш раціонига киритиши мумкин, албатта.

ВУЛҚОНДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ОЛИНАДИ

НАСА мутахассислари Йеллоустон (Yellowstone) супервулқонининг отилишига қарши ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқди. Олимларнинг фикрича, мазкур стратегик дастур ерсти гигант вулқон чўққиларидаги магма (Ер қаъридаги чўқисмон суюқ модда) ўчоғининг ҳароратини пасайтириш, хавф-хатарнинг олдини олиш имконини беради.

«ScienceAlert» нашрида келтирилишича, Йеллоустон вулқони АҚШ шимоли-ғарбида, шу номдаги миллий истироҳат боғи яқинида жойлашган. Улкан тоғ чўққиси деворлари ўпирилиши натижасида юзага келадиган вулқон рельефининг ўлчами 55 дан 72 километргача етади. Саккиз километрик пастки чуқурликда эса магма пуфакчалари мавжуд. Ундан чиқадиغان иссиқлик миллий паркиннинг геотермал манбалари, жумладан, қўлларини иситилади.




Гигант вулқон портлаши 700 минг йилда бир марта содир бўлади. Ернинг бутун тарихи давомида Йеллоустон уч марта отилган ва ҳар бирининг ўлчами аввалгиларидан паст даражани ташкил этган. Янги суперпортлаш эҳтимолини олимлар йилига 0,00014 фоизга баҳоламоқда. Унинг қайта портлаши нафақат Кўшма Штатларга катта зарар келтиради, балки глобал оқлик юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, манбадан ҳосил бўлган иссиқликнинг 60–70 фоизи қайноқ ҳавзалар орқали атмосферага чиқади. Қолган энергия вулқоннинг магматик камераларида тўпланади. Олимлар портлашнинг олдини олиш учун магма пуфакларининг 35 фоизини совутишни режалаштирган. Бунинг учун совуқ сув юқори босим остида махсус бургилаш кудугига насос орқали юборилади. Натижада сув 350 Цельсий даражагача қизиб, геотермал станцияга боради.

Эътиборли жиҳати шундаки, мутахассислар бундай усулда нафақат фалокатдан сақланиш, балки арзон электр энергияси олишни мўлжаллаган. Ҳозир электр қувватининг киловатт-соати 0,1 долларга тенг. Мазкур инфратузилманинг қиймати 3,46 миллиард долларни ташкил этади.

ЭРТАЛАБКИ БОШ ОҒРИГИДАН ҚУТУЛИШНИНГ ЙЎЛИ

Италиялик ва америкалик олимлар гуруҳи эрталабки бош оғригига сабаб бўлувчи омилларни аниқлагани ҳақида «Neurobiology of Aging» манбасида маълум қилинди.



Мутахассисларнинг фикрича, организм нормал фаолият кўрсатиши учун кунига 7–8 соат уйку талаб қилинади. Уйқунинг меъёрий ҳолати эртаси куни бош оғриғини келтириб чиқармайди.

Тунги уйқунинг 9 соатдан ошиши серотонин (яъни қайфият гормони) миқдорининг пасайишига олиб келади. Серотониннинг камайиши оқибатида миёга етарлича қон етиб бормайди ва бу бош оғриғини келтириб чиқаради. Бошнинг эрталабдан оғриши куннинг нохуш ўтиши, иш унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлади.

— Организм эрталаб эндорфин(бахт гормонини кам ишлаб чиқаради, — деди доктор А.Наполи. — Танадаги эндорфинларнинг бундай кўрсаткичи бошқа нейромедиаторлар, масалан, серотонин миқдорини пасайтириши мумкин. Унинг камайиши томиларнинг торайишига олиб келади. Бу эса бош оғриғини юзага келтиради.

Қаттиқ хуррак отиш уйқудаги алгоз ҳолатидан дарак беради. Яъни, хуррак бўғилиш, нафас сиқилиши ва ҳатто уйку вақтида нафас олишининг вақтинча тўхташига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, қон босими 140/90 мм симоб устунига тенг ёки ундан баландроқ бўлса, бош миёга босим ортади. Юқори қон босими эса бош оғриқларининг асосий сабаби ҳисобланади. Шунинг учун вақтида ухланг ва тонгни соғлом ҳолда қарши олинг.

МАРСДА ҲАЁТ АЛОМАТЛАРИ БОР

Канадалик ва америкалик олимлар қадимда Марсда мавжуд бўлган ҳаёт аломатларини аниқлагани ҳақида «Journal of Geophysical Research: Planets» журналида ёзилди.

Мутахассислар ўтмишда муносиб турмуш шароитлари мавжуд бўлганини мазкур сайёранинг айрим ҳудудларида рух ва германий элементларининг кўпайиши билан боғламоқда. Америка геофизика жамиятининг қайд этишича, «Curiosity» (Марс сайёрасини ўрганувчи робот) ёрдамида кашф этилган мазкур кимёвий элементлар ушбу сайёрада антик даврда мавжуд бўлган юқори гидротермал фаолликдан дарак беради.



Гейл кратери (Марс шимоли-ғарбидаги курук қўл) яқинидаги чўқинди жинсларда ҳосил бўлган рух ва германий концентрацияси Марснинг қолган қисмига нисбатан 10 марта юқори. Бундан ташқари, Ер юзиде рух ва германийга бой бўлган гидротермал манбалар ибтидий организмлар учун яшаш жойи сифатида хизмат қилган. Тадқиқот муаллифларининг фикрича, ўтмишда Қизил сайёрада

Гейл кратерининг ёши 3,5 миллиард йилга тенг, диаметри 150 километрдан кўпроқ. Унинг остида эса эрозияланган чўқинди жинслар талайгина. Қадим замонларда кратернинг энг чуқур қисми сув билан тўлган. Марказида 5,5 километр баландлиқдаги Шарп (Eolide) тоғи жойлашган. Эслатиб ўтамиз, НАСАнинг «Curiosity» марсоходи ушбу сайёрага илк бор 2011 йил 26 ноябрда юборилган, фазогируларнинг 2012 йил 6 августда Марсга навбатдаги парвози амалга оширилган эди. Марсоход НАСАнинг Марс илмий лабораторияси дастури доирасида тадқиқот ўтказиш учун учинчи бор ишга туширилди.

ОҒРИҚ ҚОЛДИРУВЧИ ДОРИЛАР ХАВФИ

Италиянинг Милан шаҳридаги Бикокка университетини олимларнинг аниқлашича, яллиғланишга қарши дори препаратларининг кенг қўлланилиши аксинча — беморлар сони кўпайишига олиб келмоқда. Ушбу илмий изланишга доир мақола «Medicalxpress» нашрида эълон қилинди.

Тадқиқот давомида олимлар Германия, Буюк Британия, Нидерландия ва Италияда яшовчи, оғриқ қолдирувчи дори воситаларидан фойдаланадиган қарийб 10 миллион беморнинг маълумотини таҳлил қилиб чиқди. Мазкур жараёнда 92 мингдан ортиқ беморларда салбий ўзгариш юзага келиб, шифохонага мурожаат қилиш ҳолати аниқланди. Шунингдек, ҳар бир касалнинг қайси дорини қандай дозада қабул қилгани ҳам ўрганилди.

Кенг қўллади тадқиқот натижаларига кўра, диклофенак, ибупрофен, индометацин, кеторолак, напроксен, нимесулид, пироксикам каби дори воситалари, шунингдек, Сох 2 ингибиторлари — зторикоксиб ва рофекоксибининг юқори дозалари юрак етишмовчилиги хавфини икки баробар ошириши маълум бўлди.

Тадқиқот натижасидан келиб чиқиб экспертлар оғриқ қолдирувчи дори воситаларини эҳтиёткорлик билан қабул қилишни тавсия этмоқда.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, Зарина АЛИМОВА тайёрлади.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

бунда соғлом муҳит ва ўзаро ҳамкорлик муҳим

Бугун ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган кенг қўллади чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Амма айрим ҳудудларда ёшлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кўпайиб бораётгани ачинарли ҳолдир. Бундай ҳолатларнинг келиб чиқишига биринчи ўринда оилада ноҳослом муҳит сабаб. Қолаверса, қўни-қўшни, маҳалла-қўй ва жамоатчиликнинг ҳам бефарқлиги бу каби салбий иллатларнинг илдиз отишига змин яратмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш фақат давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Баъзи ота-оналар фарзандини таълим муассасасига юбориб, «Керак бўлса устозининг ўзи тарбиялаб, ўқитиб олади», деган фикрда бўлади. Таълим муассасаси ва ота-она ўртасидаги бундай муносабат оқибатида кўп ҳолларда нохуш воқеалар келиб чиқади. «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, фарзанд ҳам ота-онасидан ранг олади ва уларга қараб улғаяди.

Ёш авлоднинг рисоладагидек тарбия олиши деганда, авваламбор, бола ўз ота-онаси, қариндош-уруғи, қўни-қўшниларига ҳурмат ва эҳтиром билан

қарши, Ватанин севиши, имон-этиққодли бўлиши, меҳнатсеварлиги, ёшлиқдан оқил кадрларга ҳурмат руҳида камол топиши тушунилади. Афсуски, дунёқароши торлиги учун турли алдовларга учиб, азиз умрини арзимас ҳою ҳавасга алмашаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот ишлари змин кучайтириш, бунда амалий жиҳатларга эътибор қаратишимиз керак.

Мамлакатимиз ёшларининг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган янги ташкилот — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ёшларнинг тараққиёт йўлида бир ёқадан баш қариб бirlaшиши учун янги қадам бўлди. Мен ҳам ёш ҳуқуқшунос сифатида ўз устимда ишлаш жараёнида қонун устуворлигини таъминлашга, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ўзимнинг биринчи галдаги вазифам деб биламан.

Шоҳруҳхон ХОЛМАТОВ,
Чилонзор тумани прокуратураси
стажёри

«Соғлом авлод учун» ва «Мақтабгача таълим» журналлари жамоаси журналларнинг собиқ ходими Валида Абдуғафур қизига онаси
МУРУВВАТ аянинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Gurung

Хикматлар

Улки зафар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

Алишер Навоий

Хар бир инсоннинг кадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб
бажаришида.

Абу Райҳон Беруний

Ватанни шод этиш учун кўп қайғуринг.

Дилшоҳи Барно

Кўбизини сайратган бахшига халқи керак.

"Кўркут Ота китоби"дан.

Ундаб улуг қақирса,
Тезлик билан чопиб кел,
Очликда бирга бўлгил,
Не ҳолда бўлса юрт, эл.

Маҳмуд Кошғарий

Ватан менинг жону таним, саждагоҳимдур. У менинг
тулин ойим, тинч-омоним, иззатим, шарафим, Каъбам,
киблам ҳамда гулистонимдур.

Абдурауф Фитрат

Подшолик истасанг бўл эл гадоси,
Ўзингни нуғу бўл эл ошноси.
Эл тож каби бошга кўтарсун десанг,
Эл кўлин тутгину бўл хокипоси.

Пахлаван Маҳмуд

Агар халқнинг бoshchisi яхши бўлса,
Унинг хизматчилари ҳам яхши бўлади.

Юсуф Хос Ҳожиб

Ўшалким элди айбини ёшурса,
Худо ул бандани мағфур тутқай.

Нодира

Чой ичиб бўлингач бобом
дуо қилишга шошилмайди.
Ўйин режасини тузиб қўйган
биз болалар рухсат тегиши-
дан умидвор бўлиб бобомга
қараймиз. Аммо у киши биз-
га аҳамият бермайди. Дера-
задан ташқарига – дарахтлар-
га, тиниқ осмонга тикилади.
Сўнг ўзи билан ўзи сўзлаша-
ётгандай гап бошлайди:
— Отамни ҳам, бобомни
ҳам қизиллар (қизил аскарлар
демоқчи) қамоққа олди. Бо-
бомнинг мазаси йўқ эди. Уйда

эриндими, олавер, сенга
деди. Суонганимдан молни
здан чиқариб уйга югурдим.
Тустовуқни момомга бериб,
буни тозалаб қайнатинг, бо-
бом товуқшўрвани яхши кўра-
ди. Термизга – бобомга олиб
бораман, дедим. Лекин...

Бобом жим қолади. Гапи-
ролмайди. Биз ҳам бобомга
қўшилиб кўз ёшимизни арта-
миз. У кишининг нигоҳи да-
рахтлар ва осмонга эмас,
олис ўтмишга қараб тургани-
ни шундагина англайман. Бир

сига янги ўзан бўлиб қўшила-
ди.

Бир замон момо кўз ёшини
артиб, тустовуқ гўштидан на-
бирасига таом тайёрлаб бер-
моқчи бўлади. Аммо уни боя-
ги жойдан тополмай нари
юради. Тумшугини олд ёғи
билан артаётган мушук одам
шарпасидан чўчиб, аллақачон
эти соб бўлган паррандининг
патини тўзғитиб, икки қадам
ташлайдию норизо товудуша
миёвлайди. Йўқсилликдан
қийналиб юрган оилага ўша

Бобомнинг ўлими

кўрпага ўраниб ётган жойида
олиб кетишди. Қўлимиздан
нимаям келарди? Изиллаб
қолабердик. Шу маҳаллар
сенлардан икки-уч ёш кичик
бола эдим, — дейди бобом
бизга қараб. Демак етти-сак-
киз ёшларда бўлган экан-да,
дея тусмолайман. Бобом эса
ҳамон кўзини бир нуқтадан
олмай гапида давом этади.

— Бир куни дарё четида си-
гир боқётгандим. Нариги то-
монда юрган овчи тустовуқ
отди. Уқ қанотиға теккан экан,
учиб кетаётган парранда дарё-
нинг бу томониға ўтиб тушди.
Ўлжани қўлга олиб баланд
кўтариб овчига кўрсатдим.
Овчи дарёдан ўтиб келишга

муддат ўтиб ҳоқиясини давом
эттиради. Бу ходиса кўз
ўнгимдан кинотасмадек ўта
бошлайди. Мана, бобомни —
ёш Амирхонни кекса момоси
бағрига босиб йиғлапти. На-
бира эса ушалмас орзуга бе-
рилганини ва бувисининг дар-
дини янгиллаганини ҳис этиб
дунёси қоронғулашиб кетади.
Хаста ҳолида аскарлар қур-
шовида уйдан кетган бобоси-
га бир коса шўрва элтиб бе-
ролмаслиги суяк-суягини зир-
қиратиб юборади. Алам би-
лан қўлидаги ўлжани нари
улоқтиради. Шу изтироб би-
лан чўпон таёғини судраб со-
ҳилга қараб кетади. Бора-бор-
гунча кўз ёши Сурхон дарё-

гўшт ҳам насиб этмайди...

Энди ўйлаб қарасам бобом
бизга — бир қарич жуужуқлар-
га зерикканидан бу воқеани
сўзламаган. Аксинча, мана шу
дориломон кўнлар қадрига
етишимиз, Мустақиллик асли-
да қандай айёмлигини юрак-
дан ҳис этишимиз учун айтиб
берган экан. Мана, ҳозир ҳам
бобомнинг болалиги билан
энди ўлгайиб келаётган фар-
зандларим ёшлигини муқоя-
са қилиб, Яратганга беадад
шукрона айтаман. Шундай
ўйлар билан юртим кўчалари-
ни кезарканман, кўнглим ча-
рогон кўнларимиз каби ажиб
тўйгудан ёришади.

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ

Ватан одамнинг қонида,
қонида яшаркан...

Биродарлар! Аналар алла-
си билан бизнинг қонимизга
Ватан муҳаббати қираб экан.
Ватан соғинчидан-да буюроқ
соғинч йўқ дунёда. Буни ўз бо-
шимдан ўтказганман. 1999 йил
ёзида Халқаро кураш ассоци-
ациясининг топшириғи билан
Саудия Арабистонида бўлдим.
У ердаги ўзбеклар каминани
эҳтиром билан кутиб олишди,
меҳмонга қақришди ва биз
дилдан суҳбатлар қурдик. Ана
шундай суҳбатларнинг бирида
видеомагнитофон ёнидаги ви-
деотасмаларни кўриб:

— Роса кўп экан-ку, қандай
тасмалар булар? — деб сўра-
дим. Билсам, ҳаммаси Ўзбе-
кистонимизнинг машҳур санъ-
аткорлари, "Мустақиллик" ва
"Наврўз" байрамларининг тас-
вири экан.

...Ватандан ташқарида
қўшиқларимизни жон қулогим
билан эшитдим. Ҳабиба Оху-
нова ижросидаги "Алла" ян-
раганида вужудимни таъриф-
лаб бўлмас даражада соғинч
камраб олди. Кўзларимдаги
ёшни кўриб ватандошларимиз-

дан бири шу воқеани сўзлаб
берди:

— Полвон ака, менинг бо-
бом Ўзбекистондан Афғонис-
тонга ўтганларида отам туғил-
маган эканлар. Тақдирни
қарангки, отам Афғонистонда,
мен эса Саудия Арабистонида
туғилдик. Менинг тасаввурим-
да Ватан — бу киндик қони
тўқилган ер эди. Адашган экан-
ман. Бобомнинг ушалмаган ор-
зусини рўёбга чиқариш учун
отам биринчилар қатори Ўзбе-
кистонга бордилар. Хешу акра-
боларни топиб ўзларида йўқ
хурсанд қайтдилар. Навбатда-
ги Ватанга кетаётганлар като-
рида мени ҳам боришга унда-
дилар. Отамнинг ҳурмати ҳаққи
"йўқ" дея олмадим. Чунки мен
Саудияни Ватан деб билар
эдим. Ҳамма билан хайрлашиб,
Тошкентга учадиган тайёрага
минганимиздан сўнг "Ота юрт
қандай экан?" деган қизиқиш
аста-секин соғинчга айланди.

Ватан одамнинг қонида, жони-
да яшашини тайёрада билдим.
Бобомдан отамга ўтиб, юртни
кўргандан кейин отамни яшна-
тиб юборган қон томирларим-

да ўз кучини кўрсатар эди.
"Тошкент" тайёрагоҳига туш-
ганимда мен босган тупроқ — она
тупроқ эканлигини сездим.
Ёнимдагилар хайратланиб
қараганларига эътибор бер-
май, тиз чўкиб ерни ўпдим.
Баъзилар мени сажда қилаяп-
ти деб ўйлашибди, нима
бўлибди, Ватанга сиғиниш ҳам
ибодат-да!

Қариндош-уруғларимиз
мени бошларида кўтариб юр-
гандай олиб юришди. Ўзбеки-
стонликларнинг ўзига хос ҳис-
латларидан бири меҳр-оқибат
экан. Мана, қайтиб келганим-
га ҳам беш йил бўлди, яна бир
бориб келиш орзуси билан
яшайпман. Ватандан келган
бирорта одамни кўраманми
деб, Байтуллохнинг атрофида-
ги таъжонларда юриб бобом-
нинг соғинчани янада теран-
роқ ҳис қилаяпман.

Суҳбатдошим кўзларига ёш
тўлиб гапиролмай қолди. Ат-
рофга қарадим: ўтирганлар-
нинг ҳаммасининг кўзлари нам
эди.

(Турсун Али Муҳаммаднинг
"Полвнома" китобидан.)

Донолар айтади...

Луқмони ҳакимдан сўрадилар:

— Донороқ киши ким?

Деди:

— Дунё ва охират неъматига боқмайдиган киши.

Дедилар:

— Бойроқ киши ким?

Деди:

— Ақлга бой киши.

Дедилар:

— Шараф нима?

Деди:

— Ўзи охиригача етказиши керак бўлган ишни бировлар-
нинг бўйнига юклаганаслик.

Дедилар:

— Одамлар ҳар қанча интилсалар-да, ҳеч ким билмайдиган
нарсани нима?

Деди:

— Ишларнинг оқибати.

Дедилар:

— Охир-оқибат ўз тотувчисини ҳалок қиладиган ширинлик
қайси?

Деди:

— Ҳасад.

Дедилар:

— Қандай бино заволни билмайди?

Деди:

— Адолат биноси.

Дедилар:

— Охири ширин бўлган аччиқ нима?

Деди:

— Сабр.

Дедилар:

— Охири аччиқ бўлган ширин нима?

Деди:

— Шошқалоқлик.

Дедилар:

— Сира эскирмайдиган либос қайси?

Деди:

— Яхши ном.

Дедилар:

— Барча дўстлардан азиз душман қайси?

Деди:

— Нафс.

Дедилар:

— Жамики тубанликлардан тубанроқ бўлган баландлик
қайси?

Деди:

— Кибр.

Дедилар:

— Эрқагу аёлга бирдай ярашадиган зийнат қайси?

Деди:

— Тўғрилик ва поклик.

(Абу Али ибн Синонинг
"Мен англаган дунё" китобидан.)

2017-yil 30-avgust, № 69 (9030)

Fidoying bo'lgaymiz seni, O'zbekiston!

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 52-модда.

— Фалларол туманидаги 34-мактабни тамомлаб, ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейи(ҳозирги «Темурбеклар мактаби»)да олган билимларим бесамар кетмади, — деди сафдошларимиздан бири Ботир Тўйчиев. — Ҳарбийлик касбига ҳавас, академик лицейдаги уч йиллик таълим ва Ватан олдидаги бурч мени ҳарбий хизматга етаклади. Армия — ҳаёт мактаби, деб бежиз айтилмас экан. Бу ерда ўрганганларим бир умрга татийди, десам

Ҳарбийлик — йигит кўрки

Шу йилнинг май ойида жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳудудида жойлашган сафарбарлик чақирув резерви батальони ойлик йигинида йигитлик бурчимни ўтадим. Ҳарбийлик либосини кийиш истагим рўёбга чиқди. Авваллари бобом ёки отамнинг армия ҳақидаги ҳикояси қизиқ туоларди менга. Бу мавзуда Наманганда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган акам завққа тўлиб гап бошласа киприқ қоқмай тинглардим. Ниҳоят, мен ҳам аскар бўлдим!

— Она Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўз юртингда адо этишга не етсин, — дейди бобом. — Собик иттифок даврида ҳарбий хизматни бегона юртларда ўташ оддий ҳол эди. Натижада турли-туман миллат вакилларидан иборат сафдошлар ўзаро муносабатда тил топишолмас, уруш-жанжаллар кўпайиб, ота-оналарнинг ҳавотири ошарди. Шунданми, ўзга ўлкада бирор ҳамюртимизни топгудек бўлсак, яқинимизни кўргандек қувониб кетардик. Ҳозирги ҳурлик замоннда шароит, тартиб-таомил буткул бошқача. Озиқ-овқат захираси ҳам тўла-тўқис. Ўзга элларда йиллаб саргардон юрмайсан, зорикмайсан. Мухими, киндик қонинг тўкилган муқаддас юртинг учун хизмат қилсан.

Ҳа, чиндан ҳам мамлакатимиздаги ҳарбий қисм ва муассасаларда яратилган шароитлар ҳавас қилса арзигулки. Айниқса, аскар маънавиятини юксалтириб бориш масаласи бугун муҳим ўрин тутаятгани янада эътиборлидир. Ойлик йигин мобайнида умумҳарбий низомлار, саф тайёргарлиги, муҳандислик, ҳарбий ҳуқуқ бўйича пухта билим олиш билан бирга, маънавий-маърифий ва тарбиявий машғулотларда оддий аскар мард ва жасур, юксак маънавият соҳиби бўлиши муҳим экани илгор педагогик технологиялар, интерфалол усулларда ҳаётни мисоллар орқали ифодаланди.

Ўқ ва йўқлик йўлари

Болаликда тенгқурларим билан икки гуруҳга бўлиниб, «уруш-уруш» ўйнардик. Ушанда қурол сифатидаги қўлбола яроғимиздан ўқ чиқмас-да, озғимиздан «чиқардик»: тата-тат, тата-тат. Бу шиддатли «муҳораба»миз гўё жанговар саросима уйғотарди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ дала-ўқув майдонинда ўтказилган ўқ отиш тайёргарлиги машғулототи хотирамда муҳрланди. Ҳарбий майдонига яқинлашаркансиз, тоғ кўйинидан оқиб келаётган зилот сув йўл ёқалаб шилдираган кўйи қаршилайди. Кейин бир йўсинда жилдираётган оби-ҳаётнинг охира сагини нишонга отилаётган ўқ овози бузади.

Гарчи батальонда ўқ отиш тактикаси, оммавий қиргин қуролиларидан ҳимояланиш бўйича етарлича билим олган бўлсак-да, ушбу



амалий машғулотда илк бор қуролдан ўқ узишдек, ҳам имконият, ҳам дахшатни ҳис этдим. Узоқ мамлакатларда ҳали-ҳамон тинмаган турли урушлар, қарама-қаршилиқлар, низолар, ҳалқаро терроризм каби улкан ҳавф-хатарлар таҳликасини бир зум бўлса-да, ҳаёлимда жонланттирдим.

Шунда барқарор тараққиёт йўлидан бораётган мустақил юртимизнинг тинчлиги, оқсоқилликка фақат шукрона айтиш билан чекланмай, уни қадрлаш, турли бало-қазолардан асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида ҳаммамиз ҳамisha сергак, бир тану бир жон бўлиб яшаши мисал кераклигини англадим. Бундай ўқ овозлари эса фақат ва фақат дала-ўқув майдонларидagina кезишини ич-ичимдан истадим...

Мангу миннатдорман!

Армия йигитни улғайтиради, деганлари рост гап. Гарчи бир ой жуда қисқа муддат бўлса-да, илгари вақтни тўғри қадрламаслигимни сездим. Усмирлик давримда, талабалик кезларим турли ҳавойи орузларим билан андармон бўлиб, олтин дамларимнинг кўлини бекор ўтказган эканман. Бу ерда эса дақиқаларнинг тиллоларга тенг эканини ҳис этдим. Кейин ҳарбий хизмат иродамни, сабримни тоблади. Жанговар машқлардан сўнг сергак-лигим, сезгирлигим, мўлжалга аниқ уриш, ва аксинча, кимнингдир нишонига айланаб қолмаслик учун эҳтиёткорлигим ошди. Маънавий-маърифий ва психологик тайёргарлик машғулоти эса ҳаётга ва Ватанга бўлган муҳаббатимни янада оширди.

Гуруҳ сардори этиб тайинландим. Бу менга икки қарра масъулият юклади. Энди сафдошларимга тартиб-интизом, муомала бобида намуна кўрсатишим керак эди. Ўзимни ўзим тафтиш етарканман, тобора механик соатдек аниқ ишлашга — кунимнинг ҳар бир соати ни режалаштиришга ўргандим. Буларнинг барчаси учун гуруҳимиз командири, кичик сержант Ойбек Холмуродовга ҳарбий қасамд кўни раҳмат айтдим.

хато бўлмайди. Ойлик йигин машғулотида фаоллик кўрсатганим, командир ва бошиқларнинг кўрсатмаларига сидқидилдан ёндашганим учун батальон командирининг хизмат тавсияномасига муносиб кўрилганим мени ангидан-янги марралар сари руқлантиради.

Ватан туйғуси бирлаштиради

Мана, бир ой ҳам ўтди-кетди. Бирок гуруҳимиздаги 30 аскар билан ўртамазда биродарлик, дўстлик ришталари боғланди. Ўзаро суҳбатларда фаолиятимиз борасида фикр алмашмасдан, керак бўлганда бир-биримиздан ёрдамимизни аямаймиз. Жумладан, Рустам Абдуалимов Бахмал туманидаги 50-мактабнинг технология, Шохрух Аҳмадов Фалларол санат асос касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси сифатида ёш авлодга маърифат улашяётган бўлса, Россиядаги Шимолий (Арктика) федераль университетининг нефть-газ иши йўналишини тамомлаган Санжар Бобоқулов айна кезде Қоровулбозор нефть-газ қидирув экспедицияси бургиловчиси. Жавоҳир Орзиқулов «Жиззахпластмасса» акциядорлик жамиятида инвестиция бўйича мутахассис, Темурмалик Қудратов Зафаробод туманидаги «Ақбар Аҳмад ғалласи» фермер хўжалиги раҳбари. Зиёвуддин Салоҳиддинов Жиззах шаҳар электр тармоқлари корхонасида, Мухаммад Намозов Фориш тумани марказий бўфонасининг жонлантириш бўлимида фаолият кўрсатяпти. Шунингдек, улар орасида новвой, тоғбон, мунаризатор, фельдшер, тadbиркор, электр устаси, савдо ходими, ҳайдовчи касбини эгаллаганлари ҳам талайгина.

Айни пайтда жамиятимиз, давлатимиз ривожига ҳисса қўшиб келаётган сафдошларимиз ўртасидаги алоқа янада мустаҳкамланди. Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, унинг эртанги кунига дахлдорлик ҳисси бизни мудом бирлаштириб туради.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ



ДЕМБЕЛЕ ЎРНИГА ЯРМОЛЕНКО

Украинанин «Динамо» клуби футболчиси Андрей Ярмоленко Германиянинг «Боруссия Дортмунд» жамоасига ўтгани ҳақида «Спорт» нашрида хабар берилди.

Дортмундликлар клуби расмий сайтыда ёзилишича, ҳужумчининг трансфер қиймати 25 миллион еврони ташкил этган. Шартнома 2021 йилнинг 30 июнига қадар давом этади.

27 ёшли футболчи хайрлашув пайти собиқ жамоасига миннатдорлик билдирди.

Ярмоленко уч қарра Украина чемпиони, икки қарра мамлакат кубогини кўлга киритган. Утган мавсумда 36 марта майдонга чиқиб, 19 та гол урган. Шунингдек, миллий терма жамоа либосида 69 та ўйин ўтказиб, 29 гол муаллифи бўлган.

«FERRARI» — ҲАМОН ЕТАКЧИ

«Mercedes» жамоасининг британиялик пойгачиси, 32 ёшли Льюис Хэмилтон «Формула-1» бўйича Бельгияда ўтказилган Гран-при мусобақасида яна бир бор галаба қозонди.

«Лента» манбасида ёзилишича, маррани иккинчи бўлиб «Ferrari» жамоасининг олмониялик вакили Себастьян Феттель босиб ўтган. Учинчи ўрин эса «Red Bull» жамоаси етакчиси, австралиялик Даниэль Риккьярдога насиб қилди.

Айни кез умумий жадвалда Л.Хэмилтон 213 очко билан яққол етакчи С.Феттелдан 7 балга ортада қолмоқда. Учинчи ўринда «Mercedes» жамоасининг яна бир вакили — фин пойгачиси Валттери Боттас (179 очко) қайд этилган.

Навбатдаги чемпионат — Италия Гран-приси 1—3 сентябрда Монце трассасида бўлиб ўтади.

РОККИ РЕКОРДИ ЯНГИЛАНДИ

Америкалик боксчи Флойд Мэйуэзер ирландиялик аралаш жанг устаси Конор Макгрегор устидан галаба қозониб, ўзига хос рекорд қўйди.

«Лента»да келтирилишича, у оғир вазнли боксчи юрдоши Рокки Марчианонинг натижасини янгилади. Яъни, Рокки 1947—1955 йилларда 49 жанг ўтказиб, барчасида зафар қўчган, 43 тасида рақибларини нокаут қилган. Флойд эса 50 марта рингга чиқиб, бирор марта ютқазмади. 27 бора жангни муддатидан олдин яқунлади.

Рокки Марчиано ўз вази тоифасида 1952—1956 йилларда чемпионлик камари соҳиби бўлган. 1969 йилда авиаҳалокат туфайли вафот этди.

МАРИЯДАН МУҲИМ ҒАЛАБА

Таникли теннисчи Мария Шарапова «US Open»нинг биринчи тур баҳсида руминиялик рақибаси Симона Халепни мағлубиятга учратди, дея хабар берилди «ТАСС»да.

Махсус тақлифнома (wild card) орқали нуфузли мусобақага қўшилган Мария учун мазкур галабанинг аҳамияти катта. У мусобақанин иккинчи рақамли штирокисини 6:4, 4:6, 6:3 ҳисобида мағлуб этди. Иккинчи тур баҳсида Шарапова венгриялик Тимеей Бабошга қарши кортга чиқади.

137-мартга ўтказилаётган «US Open» 10 сентябргача давом этади. Мусобақа ютқ жамғармаси 50 миллион 400 минг долларни ташкил этади. Мария «US Open»да 2006 йили галаба қозонган.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

Ҳурматли Ғайбулло РАЖАБОВ!



Сизни таваллуд айёмингиз ва кўтлуг 60 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз. Мехнат фаолиятингиз мобайнида кўплаб қорақўллик ёшларга таълим-тарбия бериб, уларни мустақил ҳаётга йўлаганингни кўраётимиз. Педагог сифатида эришган ютуқларингизга бугун ёш педагоглар ҳавас билан қарайди, тажрибангиз улар учун ибрат мактаби.


Олий тоифали география ўқитувчиси сифатида ўтган мазмунли дарсларингизни сиздан сабоқ олган шогирдларингиз миннатдор бўлиб эспайдилар.

Сизга узоқ умр, сийхат-саломатлик тилаймиз. Эҳтиром билан,

Қоракўл туманидаги 2-мактаб жамоаси, шогирдларингиз ва фарзандларингиз.

«Мовароуннахр» нашриёти, «Хидоят» журнали, «Ислом нури» газетаси, «muslim.uz» веб-портали жамоалари барча юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ҳамда муборак Курбон ҳайити байрамлари билан самимий қутлайди.

Энг улуг, энг азиз байрамларимиз муборак бўлсин, азизлар!
Яратгандан юртимизда шундай байрам тантаналари бардавом бўлишини сўраймиз!



ОБУНА—2018



ХИДОЯТ


ИСЛОМ НУРИ

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Севимли нашрларингиз — «Хидоят» журнали, «Ислом нури» газетаси ва уларнинг қорақалпоқ тилидаги иловалари («Хидаят», «Ислам нури») йилдан-йилга мазмунан бой, шаклан чиройли бўлиб, обуначилари тобора кўпайиб бормоқда.

Азиз ватандошлар! Ўзингизни, оила аъзоларингизни илм-маърифат нуридан бебаҳра қолдирманг! «Маърифат улашиш — энг эзгу амал» шиорини маҳкам тутайлик.

Нашрларимизга обуна бўлинг!

Интернет орқали ҳам обуна бўлишингиз мумкин:  @muslimuzportal

@hidoyatuz



ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ:

(масжидлар орқали)

«ХИДОЯТ» — 45 000 сўм;

«ИСЛОМ НУРИ» — 36 000 сўм.

Қорақалпоқ тилидаги иловалар:

«ХИДАЯТ» — 25 000 сўм; «ИСЛАМ НУРЫ» — 18 000 сўм.

Манзилимиз: 100002, Тошкент шаҳар, Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй. Электрон почта: m-nashr@mail.ru.

Мурожаат учун телефон рақамлари: (0 371) 227-34-30; (0 371) 240-08-23

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-815. Tiraj 34151.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotiyyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat» dan
materiyallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqrib
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 22.05 Topshirildi — 23.40

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir:

Oybuvi OCHILOVA.

Navbatchi:

Faxriddin RAHIMOV.

1 2 3 5 6